БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 164 (17.148). ● 20 июль 1978 йил, пайшанба ● Баҳоси 2 тийин

ҚИШЛОҚ КОММУНИСТЛАРИНИНГ ЖАНГОВАР ВАЗИФАЛАРИ

— Бугун қайси қишлоққа, қайси меҳнат коллективига борманг, одамлардаги алоҳида кўтаринкиликни, руҳий тетикликни кўрасиз. Бу бежиз эмас, — деди Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз коммунистларининг КПСС Марказий Комитети июль Пленуми якунларига бағишланган очиқ партия йиғилишида сўзга чиққан бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саодат Гулаҳмедова, — Пленум қарорлари, қишлоқ меҳнаткашларига партия ғамхўрлигининг яна бир ёрқин намунасидир. Пленумда қишлоқ коммунистларининг жанговар вазифалари белгилаб берилди, қишлоқ хўжалигини янада юқори босқичга кўтариш масалалари илгари суридики, бу бизга янги куч-ғайрат, илҳом бахш этмоқда, янада юксак марраларни эгаллашга ундамоқда. Биз Пленум қарорларига жавобан гектаридан 60 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини оламиз. Ҳар бир далада Сифат белгиси ўлишига эришиб, мамлакатни аъло сифатли пахтамиз билан хурсанд этамиз.

Дарҳақиқат, қишлоқ коммунистлари, бутун дала меҳнаткашлари ҳаётида қизғин дамлар бошланди. КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорлари ҳар бир партия ташкилоти, ҳар бир коллективда алоҳида кўтаринкилик вазиятини вужудга келтириб, дала меҳнаткашлари фаолиятида янги сахифалар очмоқда. Қишлоқ партия ташкилотлари Пленум қарорларини кенг муҳокама қилишга, унда қўйилган вазифаларни кенг меҳнаткашлар оммаси онгига етказиш ишига дадил киришдилар. Область, район партия комитетлари бу соҳада уларга амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Бошланғич партия ташкилотларида ўтаётган партия йиғилишларининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Айниқса, бу борада Қашқадарё область партия комитети ташаббуси диққатга сазовордир. Область партия комитети бошланғич партия ташкилотларида КПСС Марказий Комитети июль Пленуми якунлари муҳокама этилаётганини муносабати билан Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли колхозда коммунистларнинг намунали очиқ партия йиғилишини ўтказишни маъқул топди ва бу ишга яқиндан ёрдам бериб, унга райондаги барча хўжалик партия ташкилотлари секретарлари ва областдаги район партия комитетларининг секретарлари таклиф этилди.

Колхоз коммунистлари кун тартибидаги масала юзасидан муҳокамада актив қатнашиб, қишлоқ хўжалигини янада жадал ривожлантириш юзасидан қимматли фикрлар билдирдилар. Шу асосда конкрет тадбирлар белгиланди.

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми илгари сурган катта ва мураккаб вазифалар ҳар бир партия ташкилотн ва барча коммунистларга дахлдордир. Уларнинг бажарилиши эса шу партия ташкилотларининг қанчалик жанговарлик билан иш кўришига, оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни юксак даражага кўтара олишига, барча коммунистларнинг фидокорона меҳнати, ташаббускорлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. «Қишлоқлардаги барча партия ташкилотлари ва коммунистларнинг аввало ўзлари, — деди Пленумда ўртоқ Л. И. Брежнев, — ҳозирги босқичда партия аграр сиёсати вазифаларининг моҳиятини, уларни амалга ошириш йўлларини чуқур билиб олишлари керак. Улар партиявий ишонтириш ва коммунистик тарбия методлари орқали миллионлаб кишиларга шу вазифаларни тушунтириб беришлари, уларни руҳлантиришлари, уларнинг куч-ғайратини қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг партия белгилаб берган программасини амалга оширишга сафарбар қилишлари керак».

Эндиликда партия йиғилишлари, коллектив бўлиб кенгашиб олиш худди шу мақсадга хизмат қилиши лозим. Бу йиғилишларда ишнинг ҳақиқий аҳволи, тўпланган тажрибалар чуқур таҳлил этилиши, камчиликлардан тегишли хулосалар чиқарилиши ниҳоятда муҳим. Шу билан бирга ҳар бир партия ташкилоти, у қайси участкада иш кўришидан қатъи назар, бу умумхалқ ишидаги ўз ўрни ва ҳиссасини имконқ борича тезроқ аниқлаб олмоғи лозим. Область ва район партия комитетлари бу соҳада уларга яқиндан ёрдам беришлари, қолхоз ва совхоз бошланғич партия ташкилотлари билан бир қаторда қишлоқлардаги қурилиш, агросаноат ва қайта ишлаш корхоналари ва бошқа муассасалар партия ташкилотлари ролини янада баланд кўтаришга эришмоқлари даркор. Чунки партия аграр сиёсатини самарали амалга ошириш, КПСС Марказий Комитети июль Пленуми белгилаб берган улкан вазифаларни тўла-тўкис рўёбга чиқариш биринчи навбатда шу бошланғич ташкилотларнинг жанговар ва изчил ҳамда қатъият билан иш кўришига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ҳозирги кунда республикамиз қишлоқларида минглаб цех ва бошланғич партия ташкилотлари иш кўрмоқда, жойларда жуда кўплаб партия группалари тузилганки, улар бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида актив қатнашиб, партия қарорларини амалга оширишга ўз салмоқли ҳиссаларини қўшмоқда. Эндиликда республикамиз қишлоқ хўжалигида ва у билан алоқадор бўлган ташкилотларда коммунистларнинг катта армияси ишлаб турибди. Бу авангард қатламнинг ташаббускорлиги, фидокорона меҳнат намунаси туфайли қишлоқ хўжалигимиз жадал ривожланишининг ойдин йўлига тушиб олди. Эндиликда улар КПСС Марказий Комитети июль Пленуми янада каттароқ ва мураккаброқ вазифаларни ўз олдиларига қўяётганини аниқ-равшан ҳис этиб турибдилар. Улар бу вазифани доҳий Ленин ибораси билан айтганда «бир марта ғайрат қилиб қаҳрамонлик кўрсатиш билан бажариш асло мумкин эмас»лигини яхши биладилар. Чунки «бу вазифа оммавий ва кундалик ишда жуда узоқ вақтларгача энг қаттиқ ва ғоят катта қаҳрамонликлар кўрсатишни талаб қилади».

Одатда барча планларнинг тақдирини одамлар ҳал қиладилар, улар амалга оширадилар. Бу планларнинг халқ кўнглига қанчалик яқинлиги, у одамлар онгига қанчалик тўғри етказилиши, ва ниҳоят, партия ташкилотлари уларни бу ишга қанчалик сафарбар қила олишлари ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Шу боисдан ҳам партиянинг улуғвор планларини ва июль Пленуми қарорларини бутун аҳамияти ва кўлами билан меҳнаткашлар онгига етказиш, атрофлича тушунтириб бериш бошланғич партия ташкилотларининг жонажон ишидир. Партия ташкилотлари ўз жанговарлик фаолиятларини оширишлари, партиявий таъсир этишнинг хамма восталарини ишга сола билишлари даркор. Бу ишга пропагандистлар, лекторлар, агитаторларнинг янада кенг қатламини жалб этишлари керак. Бу борада ҳозирдавоқ яхши ташаббуслар юзага кела бошлади. Сурхондарёда жойларда халқ сиёсий мактаблари ташкил этилиб, унда КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари ва Л. И. Брежнев доклади кенг ўрганилмоқда. Ана шундай тажрибалардан фойдаланган ҳолда партия ташкилотлари бу катта ишга хўжалик раҳбарлари, мутахассислар ва новаторларни кенг жалб этишлари лозим.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

«ОҚ ОЛТИН» СИФАТИ ЯНАДА ЯХШИЛАНАДИ

«Ўзбекхлопкомаш» бирлашмасининг бош заводи коллективи буюртмачиларга ингичка толали пахтани тозалайдиган асбоб-ускуналарнинг катта туркумини муддатидан илгари жўнатди. Бирлашма конструкторлари яратган бу машиналар беш йиллиннинг бошида ишлаб чиқарилган ва соатига 100 килограммга қадар пахтани қайта ишлайдиган машиналарга нисбатан толани бир неча баравар кўпроқ ишлаб беришга қодирдир. Бу машиналар Қарши даштида барпо этилаётган Нишон пахта заводи учун тайёрланган. Шу йил йиғим-терим мавсуми бошлангунга қадар ишга тушириладиган бу корхона Ўзбекистоннинг жанубидаги кўриқ ерларда етиштирилган ипак пахтани қайта ишлаб беради.

Нишон посёлкасида барпо этилаётган ингичка толали пахта тозалайдиган завод — олий сифатли тола чиқариш учун қувватларни ошириш комплекс программасининг бир қисми. Беш йиллик мобайнида ипак пахтани қайта ишлайдиган қувватларни икки ярим баравар ошириш мўлжалланмоқда.

Бу программанинг катта қисми ҳозироқ амалга оширилди. Масалан, Сурхон водийсида ва Қарши даштида — ингичка толали пахта етиштириладиган икки муҳим зонада янги катта заводлар ишга туширилди. Ишлаб турган корхоналарни қайта қуриш эса қувватларни оширишнинг бошқа бир йўлидир. Термиз ва Жарқўрғондаги илгари ҳам одлий, ҳам ингичка тола ишлаб чиқарадиган заводлар ҳозирнинг ўзидаёқ қайта жиҳозланди. Эндиликда бу корхоналар ихтисослаштирилиб, улар нуқул ипак пахта қабул қилади. Корхоналарни бундай қайта жиҳозлаш янгиларини қуришга нисбатан уч баравар арзонга тушмоқда. Яна иккита завод — Комсомолобод ва Ангор заводларини ҳозир мана шундай принцип асосида реконструкция қилиш тугай деб қолди.

Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлигидан хабар қилишларича, ҳозир тармоқ ингичка толали пахтани тозалайдиган тўққизта заводга эгаки, булардан бештаси 1976 йилда ишга туширилган эди. Яна учта корхона йил охирига қадар ишга туширилади. Республика пахта тозалаш саноати ходимлари 1980 йилга келиб сифатли «оқ олтин»дан ярим миллион тоннага қадар қайта ишлаш учун қабул қилиб олиши мумкин. «Ўзбекхлопкомаш» машинасозлари билан биргаликда пахта тозалаш саноатининг ходимлари тармоқни ривожлантиришнинг шундай юксак суръатларини бундан кейин ҳам давом эттираверадилар. Жумладан, тозалаш техникасини такомиллаштириш давом эттирилмоқда. Ҳозир соатига 180 килограммга қадар толани қайта ишлайдиган машина синовдан муваффақиятли ўтди ва кўплаб ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

(ЎзТАГ мухбири).

«САЛЮТ-6» — «СОЮЗ-29» — «ПРОГРЕСС-2»:

УЧИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 19 июль. (ТАСС). Космонавтлар Владимир Коваленок билан Александр Иванченков космик учишнинг бешинчи ҳафтасини поёнига етказмоқдалар. Бугун «Салют-6» — «Союз-29» — «Прогресс-2» орбитал илмий-тадқиқот комплексининг экипажи «Прогресс-2» юк кемаси орбитага келтирган ёқилғи билан «Салют-6» станцияси бакини тўлдиришга киришди.

Ёқилғи қуйиш магистраллари, транспорт кемаси ва станция бакларининг герметиклиги контроль текшириб чиқилганидан кейин станция бакларини ёнилғига тўлдириш ишларини бошлаб юборишга командалар берилди. Бакларни тўлдириш жараёни экипаж ва Учишни бошқариш маркази мутахассисларининг назоратида ўтказилмоқда.

Коваленок ва Иванченков ўртоқлар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар. «Салют-6» — «Союз-29» — Прогресс-2» космик комплексининг ичидаги системалар нормал ишлаб турибди.

Ер атрофи орбитасидаги илмий-тадқиқотлар давом эттирилмоқда.

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ. Пахтакор районидаги Кичанов номли совхоз меҳнаткашлари кўриқ областда биринчилардан бўлиб ғўзани чеканка қилишга киришдилар. Суратда: ғўзани чеканка қилишга киришган бригада бошлиғи Жумабой Аввалбоев ва тракторчи Шакар Миродилов ўртоқлар. Улар чеканка сифатини нўздан кечиришаётир.

А. Горохрин фотоси (ЎзТАГ).

ЖИЗЗАХЛИК ҒАЛЛАКОРЛАР ЮКСАК МАРРАНИ КЎЗЛАШМОҚДА

КПСС XXV съезди тарихий қарорларини изчиллик билан амалга ошираётган кўриқ Жиззах области ғаллакорлари дон етиштириш соҳасида қувончли зафарларни қўлга киритмоқдалар. Жиззахлик «олтин бошоқ» ижодкорлари беш йиллиннинг зарбдор йилида бошоқли дон экиндиларидан яхши ҳосил етиштирдилар ва ўримйиғимни уюшқоқлик билан ўтказмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларидан руҳланган область ғаллакорлари шу кунга қадар Ватан омборларига 115500 тонна дон тўкдилар. Бу ўтган йилнинг шу пайтигача топширилган донга нисбатан 4,5 баравардан ҳам ортиқроқдир. Бу катта хирмонга Зомин райони 38300 тонна, Ғаллаорол райони 32400 тонна, Жиззах райони 13600 тонна, Дўстлик районни 4000 тонна, Пахтакор районни 3500 тонна дон тўкиб, салмоқли ҳисса қўшдилар.

Область ғаллакорларининг катта тадбиркорлиги туфайли суғориладиган ва лалми ерларда ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Областнинг Октябрь, Пахтакор, Дўстлик районларининг хўжаликларида суғориладиган ҳар гектар ердан ўртача 23-27,7 центнергача сара дон етиштирилди. Зомин районидаги «Ударник», Ғаллаорол районидаги «Ғаллаорол», Пахтакор районидаги «Пахтакор», Бахмал районидаги «Нурли қуёш» совхозларида эса лалми ердан 10,7-12,3 центнергача ҳосил олинди.

Область хўжаликларидаги ўнлаб ғаллачилик бригадалари гектаридан 50-60 центнергача дон ҳосили олишга муваффақ бўлдилар. Арнасой районидан К. Алпомишов, Ғаллаорол районидан Т. Алишев ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадалар ана шулар жумласидандир.

Областда ғалла ўрим-йиғими давом этмоқда. Кўриқ область ғаллакорлари етиштирилган ҳосилнинг бир мисқолини ҳам нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш ва дон хирмонини янада юксалтириш учун кураш йўлида социалистик мусобақани авж олдираётирлар.

ҒЎЗА КЎСАКЛАДИ

Ҳазорасп районидаги «Партия XXI съезди» колхозидан С. Маткаримов бошлиқ бригада далаларининг учдан бир қисми Сифат белгиси билан аттестация қилинган. Бу ерда қалин ғўзалар ривожланишдан бир кун ҳам орқада қолаётгани йўқ. Ҳозирдаёқ ҳар бир тупда 3-4 тадан кўсак пайдо бўлди.

Бригада аъзолари ҳақиқатан ҳам иш вақтининг ҳар бир соати, ҳар бир минути қадрига етади. Механизаторлар, суғвчилар смена нормаларини анча ошириб адо этмоқдалар. Ҳозиргача далаларда ўтган йилдагига қараганда комплекс парвариш ишлари бир ярим марта кўпроқ ўтказилди, қатор ораларига солинган маҳаллий ўғит икки баравар кўпайтирилди.

Бригада 73 гектар даланинг ҳаммасига фахрли беш бурчак берилишига эришишга аҳд қилди. Бригаданинг мақсади— об-ҳаво шароитлари жиҳатидан қийин келган йилда 60 центнерлик «оқ олтин» ҳосили етиштиришдан иборат.

Ҳазорасп райони хўжаликларида пахтазорларга сифат белгиси берилиши учун кураш кенгайиб бормоқда. Ҳозирдаёқ бу ерда ўнлаб далалар фахрли беш бурчакка сазовор бўлди. Кўпгина хўжаликлар бу йил культивация қилишни, органик ўғитлар солишни кўпайтирмоқдалар. Бу — ғўзанинг авж олишида орқада қолишни бартараф этиш имконини беради.

(ЎзТАГ мухбири).

ЁДГОРЛИКЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ—МУҲИМ ВАЗИФА

19 июль куни Тошкентда Ўзбекистон тарихи ва маданияти ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамияти республика правениесининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум қатнашчилари ёдгорликларни муҳофаза қилиш, қимматли меъморий мероси бўлган шаҳарларни лойиҳалаш, планлаштириш ва қуриш проблемаларини муҳокама қилдилар.

Пленумда Ўзбекистон тарихи ва маданияти муҳофаза қилиш жамияти республика правениесининг раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов нутқ сўзлади. (ЎзТАГ).

ҚАҲРАМОН ШАҲАР ЖАСОРАТИ АСРЛАР ОША ЯШАЙДИ

«Минск, сенинг жасоратинг сўнмайди» деб аталган брошюра босмадан чиқди. Китобчага КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг 1978 йил 25 июнда Минск шаҳрига Ленин ордени ва «Олтин Юлдуз» медалини топширишга бағишланган тантаналарда қатнашмоқ учун шу қаҳрамон шаҳарга келганлиги тўғрисидаги материаллар киритилган.

Брошюрани Сиёсий адабиёт нашриёти чоп қилган.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШМОҚДАЛАР

СССР Ташқи ишлар министрлиги дипломатия академиясининг совет ва чет эл тингловчиларидан бир группаси Ўзбекистонда ўқув-танишув практикасини ўтишга киришди. ГДР, Болгария, Польша, Совет Иттифоқи ва Чехословакия намояндалари Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Жиззах областида бўладилар, республика партия ва совет ходимлари, министрликлари ҳамда идораларининг раҳбарлари ва мутахассислари билан учрашадилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика халқ хўжалигида учёт ва ҳисоботни такомиллаштиришда актив қатнашганлиги учун ва давлат статистика органлари тузилганлигининг 60 йиллиги муносабати билан қуйидагиларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист» фахрий унвони берди:

Абдуҳакимов Абдуҳошим — давлат статистикаси Бўка район ахборот-ҳисоблаш станциясининг старший экономисти.

Бобожонов Бекжон — давлат статистикаси Янгиариқ район ахборот-ҳисоблаш станциясининг бошлиғи.

Иномов Жалолитдин — Наманган область статистика бошқармасининг бўлим бошлиғи.

Маҳмудов Султон Мамадалиевич — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг бошлиғи.

Сидоркин Фёдор Владимирович — давлат статистикаси Когон район ахборот-ҳисоблаш станциясининг бошлиғи.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ва давлат статистика органлари ташкил этилган кунининг 60 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси системаси ходимларидан бир группасини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

МОСКВА Ф. Д. КУЛАКОВ БИЛАН ВИДОЛАШМОҚДА

Совет кишилари Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари, СССР Олий Советининг депутати Федор Давидович Кулаковнинг вафоти тўғрисидаги хабарни эшитиб, ғоят қайғурдилар. Ўзининг бутун умрини коммунизм қурилиши улуғ ишига бағишлаган, социалистик қишлоқ хўжалигини ҳамда унга хизмат қилувчи тармоқларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган кишининг, партия содиқ фарзандининг юраги уришдан тўхтади.

Ф. Д. Кулаков юксак партиявийлик, талабчанлик ва принципиаллик, камтарлик ва одамларга меҳрибонлик фазилатларига эга эди. У ўзининг фидокорона меҳнати ва ажойиб шахсий хислатлари билан партия ва халқнинг чуқур ҳурматига сазовор бўлди.

Совет Армияси Марказий уйининг пештоқига Ф. Д. Кулаковнинг мотам ҳошияси билан ўралган портрети қўйилган. Бу ерда, Қизил Байроқли залда марҳумнинг жасади солинган тобут супага, гуллар орасига қўйилган.

18 июль куни минглаб москваликлар Федор Давидович билан видолашиш учун бу ерга келдилар.

Супа олдидаги қизил ёстиқчаларга Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун Ф. Д. Кулаков сазовор бўлган мукофотлар: Социалистик Меҳнат Қаҳрамонининг «Ўроқ ва Болга» олтин медали, учта Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени, СССРнинг кўпгина медаллари қадаб қўйилган.

Мотам қуйлари янграйди. Тобут ёнига КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советидан гулчамбар қўйилган. Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари оилаларидан гулчамбарлар ҳам шу ерга қўйилган.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларидан, иттифоқдош республикалар Олий Советлари Президиумларидан ва Министрлар Советларидан, СССР ва Россия Федерациясининг министрликларидан ҳамда идораларидан, КПСС Москва шаҳар комитети, Москва Совети ижроия комитетидан, КПСС Москва область комитети ва Москва область Советидан, КПСС ўлка комитетлари ва ўлка ижроия комитетларидан, КПСС область комитетлари ва область ижроия комитетларидан, жамоат ташкилотларидан, марҳумнинг қариндошлари ва ёру биродарларидан гулчамбарлар кетма кет залга олиб кирилади.

Дафн этишни ташкил қилувчи ҳукумат комиссиясининг аъзолари биринчи мотам вахтасида турадилар.

Соат 10 дан 15 минут ўтди. Ю. В. Андропов, А. А. Громико, А. П. Кириленко, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Д. Ф. Устинов, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, Я. П. Рябов, К. В. Русаков ўртоқлар фахрий қоровулда турадилар.

Сўнгра Коммунистик партия ва Совет давлатининг раҳбарлари Ф. Д. Кулаковнинг қариндош ва ёру биродарлари олдига келиб, уларга чуқур ҳамдардликларини изҳор этадилар.

Совет Армияси Марказий уйига келаётган москваликларнинг кети узилмайди. Заводларнинг, совхозларнинг ишчилари, колхозчилар, партия, совет, касаба союз, комсомол ходимлари, Совет Армияси жангчилари, фан ва маданият арбоблари, жамоат ташкилотларининг вакиллари, студентлар Ф. Д. Кулаков билан видолашадилар.

Москва областидаги колхоз далаларининг меҳнатчилари — КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленумининг СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга қаратилган қарорларини бажараётган кишилар чуқур сукут сақлаб ўтадилар. Ф. Д. Кулаков Ватанимизга, улуғ Ленин ишига зўр ғайрат ва сабот билан содиқ хизмат қилди. Федор Давидович КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси сифатида унинг фаолиятида актив иштирок этиб, КПСС Марказий Комитетининг топшириғига биноан совет экономикасининг аграр сектори билан шуғулланиб, партиянинг юксак ишончини ҳамиша шараф билан оқлади.

Совет Иттифоқидаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари марҳум билан видолашиш учун келдилар. Бир қанча коммунистик ва ишчи партияларнинг намояндалари, социалистик ҳамдўстликдаги қардош мамлакатларнинг, бошқа давлатларнинг делегацияларини совет кишилари билан биргаликда таниқли партия ва давлат арбобига чуқур ҳурмат бажо келтирадилар.

Фахрий қоровул ҳар уч минутда алмашиниб турибди. СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ва СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР Олий Совети палаталарининг раислари, министрлар, ҳарбий бошлиқлар, Москва шаҳри ва Москва области партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари тобут ёнида мотам вахтасида турибдилар.

(ТАСС).



Совет Армияси Марказий уйининг Қизил Байроқли зали. Коммунистик партия ва Совет давлати раҳбарлари фахрий қоровулда.

А. Пахомов фотоси («Правда»).

КОСМОНАВТЛАР — ДАЛА ВА ФЕРМАЛАРНИНГ ГВАРДИЯЧИЛАРИГА

Ватанимизнинг барча меҳнаткашлари каби биз, совет космонавтлари ҳам КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини зўр завқ-шавқ ва масъулият туйғуси билан қабул қилдик. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида»ги докладини чуқур ўрганиб чиқдик.

Азиз дала меҳнатчилари! Биз сизларнинг бу йилги ҳосилни ўриб-йиғиб олишдаги муваффақиятларингиздан чексиз қувонмоқдамиз. Фидокорона, ҳақиқатан қаҳрамонона меҳнат намуналарини кўрсатаётган кишилар билан фахрланамиз ва биз ҳам умумхалқ қурашига ўз ҳиссамизни қўшишни истаймиз. Биз космик тадқиқотларимизни мамлакат халқ хўжалиги манфаатлари йўлида, қишлоқ хўжалиқ ишлаб чиқаришини янада юксалтириш манфаатлари йўлида зўр ғайрат билан давом эттираверамиз.

Бизларнинг кўпчилигимиз деҳқон оилаларида вояга етган, ерда меҳнат қилган, қишлоқ хўжалик касб-корларини эгаллаб олган ва нонинг қадрини жуда яхши биладиган кишилармиз. Биз деҳқон учун ҳосил ўрими, уни йиғиштириб олиш қандай аҳамиятга эга эканлигини жуда яхши тасаввур қиламиз. Бу, космонавтлар ибораси билан айтганда галлакорлик орбитасининг энг юқори нуқтасидир.

Совет космонавтлари отряди коллективларни — деҳқончиликда, чорвачиликда, қишлоқ қурилишида, емхашак ишлаб чиқаришда мусобақа ғолибларини мукофотлаш учун Юрий Гагарин номидаги кўчма вимпелларни таъсис этишга қарор қилди. Бу вимпеллар ҳар бир республика, ўлка, областдаги ўрим-йиғим мавсумининг гвардиячиларига, далалар фермалар, қурилишларнинг қаҳрамонларига ҳар йили топширилиб турилади. Ю. Гагарин вимпелини қўлга киритган коллективлар Москвада, Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бўлган кунлари Звездный шаҳарчасига бориб, СССР космонавт-учувчилари билан суратга тушадилар.

Азиз қишлоқ меҳнатчилари, сизларга КПСС Марказий Комитети июль Пленуми ўртага қўйган вазифаларни бажаришда янгидан-янги зафарлар, катта муваффақиятлар тилаймиз!

СССР космонавт-учувчилари топшириғига биноан П. КЛИМУК, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика енгил ва озиқ-овқат саноати энг муҳим объектларини қуришга ҳамда уларни фойдаланишга топширишни жадаллаштиришга шахсан катта ҳисса қўшганликда, қишлоқ қурилишида, емхашак ишлаб чиқаришда мусобақа ғолибларини мукофотлаш учун Юрий Гагарин номидаги кўчма вимпелларни таъсис этишга қарор қилди. Бу вимпеллар ҳар бир республика, ўлка, областдаги ўрим-йиғим мавсумининг гвардиячиларига, далалар фермалар, қурилишларнинг қаҳрамонларига ҳар йили топширилиб турилади. Ю. Гагарин вимпелини қўлга киритган коллективлар Москвада, Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бўлган кунлари Звездный шаҳарчасига бориб, СССР космонавт-учувчилари билан суратга тушадилар.

Азиз қишлоқ меҳнатчилари, сизларга КПСС Марказий Комитети июль Пленуми ўртага қўйган вазифаларни бажаришда янгидан-янги зафарлар, катта муваффақиятлар тилаймиз!

СССР космонавт-учувчилари топшириғига биноан П. КЛИМУК, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони.

ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМИ

Москвада очилган журналистларнинг халқаро симпозиуми «Социалистик мусобақани ташкил қилиш ва ривожлантиришда оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг роли» мавзуига бағишланди. Симпозиум қатнашчилари — Болгария, Венгрия, ГДР, Куба, Монголия, Польша, Руминия, СССР, Чехословакия матбуотининг намояндалари матбуотда ва радио орқали социалистик мусобақани пропаганда қилиш соҳасида фикрлашиб олдилар. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш учун курашда матбуотнинг ролига алоҳида эътибор берилди. (ТАСС).

Федор Давидович КУЛАКОВни дафн этиш маросими

ҚИЗИЛ МАЙДОНДА МОТАМ МИТИНГИ

19 июль куни Москвада Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари, СССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Федор Давидович Кулаковни дафн этиш маросими бўлди.

Совет Армияси Марказий уйининг Қизил Байроқли зали икки кундан буён мотам либосида. Бу ерда гулчамбарлар ва гуллар ўртасидаги баланд супага Ф. Д. Кулаков хоки солинган қути қўйилган. Марҳумнинг жасади 19 июльга ўтар кечаси кремация қилинди.

Кечагидек бугун ҳам Москва ва областнинг минг-минглаб меҳнатчилари, иттифоқдош республикалар ва областларнинг вакиллари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг ходимлари, ҳарбий бошлиқлар ўзининг бутун умрини коммунизм қурилиши улуғ ишига бағишлаган, социалистик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган партиянинг содиқ фарзандига чуқур ҳурмат билдириш учун бу ерга келдилар.

Соат 12. Марҳумнинг хоки ёнига кириш тўхтатилади. Залда Федор Давидович Кулаковнинг қариндошлари, ёру биродарлари ва дўстлари қоладилар. Сўнгги видолашув дақиқалари.

Мотам куйлари чалинади. Дафн этишни ташкил қилувчи ҳукумат комиссиясининг аъзолари қутини Совет Армияси Марказий уйидан олиб чиқиб, уни катафалкка ўрнатадилар. Мотам марсияси Москва маркази томон йўл олади.

Ҳарбийлардан иборат фахрий қоровул Союзлар уйи олдида мотам ичра сукут сақлаб турибди. Қути тўп лафетига ўрнатилади. Мотам кортежи Қизил майдон томон йўл олади.

Москва ва область меҳнаткашлари ҳамда жамоатчилигининг вакиллари, партия ва совет ходимлари, фан ва маданият арбоблари, СССР Қуролли Кучларининг намояндалари Қизил майдондаги минбарларга чиқадилар. СССРдаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари, чет эл делегациялари ҳозир бўладилар.

Ҳарбий бўлинмалар майдонда бир текис саф тортиб турибди. Уларнинг колоннолари узра мотам лента-лари тақилган жанговар байроқлар эгилган.

Соат 13. Коммунистик партия ва Совет давлатининг раҳбарлари марҳумнинг хоки солинган қутини тўп лафетидан олиб В. И. Ленин Мавзолейи олдига қўядилар. Ю. В. Андропов А. А. Громико, А. П. Кириленко, К. Т. Мазуров, Г. В. Романов, Д. Ф. Устинов, В. В. Кузнецов, П. М. Машеров, Б. Н. Пономарев, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, Я. П. Рябов, К. В. Русаков ўртоқлар, дафн этишни ташкил қилувчи ҳукумат комиссиясининг аъзолари Мавзолейнинг марказий минбарига чиқадилар.

Мотам митингини ҳукумат комиссиясининг раиси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленко очади.

У бундай деди: бугун партиямиз, совет халқи КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари, СССР Иттифоқи Олий Советининг депутати Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби Федор Давидович Кулаковни чуқур қайғу билан сўнгги йўлга кузатмоқдалар.

Биз, деди А. П. Кириленко, атиги беш ой муқаддам, февраль ойи бошларида Федор Давидовични 60 ёшга тўлганлиги муносабати билан шарафлаган, унинг социалистик Ватанимиз олдидаги катта хизматларини тақдирлаган эдик. Шу боисдан ҳам биз шу оғир жудоликдан қаттиқ қайғурмоқдамиз.

Федор Давидович Кулаковнинг меҳнат йўли Ленин партияси билан, унинг ленинизм ғояларини амалга ошириш, мамлакатимизда коммунистик жамият барпо этиш соҳасидаги буюк фаолияти билан батамом боғлиқ эди. Деҳқон фарзанди Федор Давидович Кулаков йигирма ёшида агроном бўлди ва шу вақтдан бошлаб унинг фаолияти аввало қишлоқ хўжалиги — социалистик экономиканинг жуда муҳим соҳаси билан боғлиқ бўлди. У қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши соҳасида кенг билимларга ва катта амалий тажрибага эга эди, ерни яхши билар ва севар, деҳқон меҳнатини юксак даражада қадрларди.

Федор Давидович йигитлик чоғидаёқ партияга кириб, унинг сафларида вояга етди ва чиниқди. Унга тобора масъулиятлироқ ва кўламли кенгроқ иш участкалари ишониб топширилаверди. Партия уни қаерга юборма-син — ишлаб чиқаришда, хўжалик, совет ва партия ишидаги ҳамма лавозимларда Федор Давидович ҳамиша ташаббус кўрсатиб, ғайрат-шижоат ва сабот билан меҳнат қилди.

У район ер тузиш бўлимининг мудири, район партия комитетининг секретари, область партия комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири, область ижроия комитетининг раиси, Россия Федерацияси министри ўринбосари ва министри, КПСС Ставрополь ўлка комитетининг биринчи секретари лавозимларида муваффақиятли ишлади.

1964 йилда Федор Давидович Кулаковга аграр проблемаларни жуда яхши билувчи тажрибали партия ходими сифатида КПСС Марказий Комитети қишлоқ хўжалик бўлимига раҳбарлик қилиш топширилди. 1965 йилда у КПСС Марказий Комитетининг секретари қилиб, 1971 йил апрелида эса Марказий Комитет Сиёсий бюросининг аъзоси қилиб сайланди.

Марказий Комитет Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилик қилаётган партиямизнинг ленинчи штабида ишлаган даврда Федор Давидович Кулаковнинг партия арбоби сифатидаги ҳар томонлама қобилияти айниқса ёрқин намоён бўлди. Федор Давидович Марказий Комитет, унинг Сиёсий бюроси ва секретариатининг аҳил коллективи ишида, КПСС билан Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишда актив иштирок этди, ўзига билдирилган ишончни ҳамиша шараф билан оқлади.

Федор Давидович Марказий Комитетнинг топширигига мувофиқ қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиб, ўзининг бутун кучини КПСС Марказий Комитети 1965 йил март Пленуми ва партия съездлари ишлаб чиққан ҳозирги аграр сиёсатни изчиллик билан амалга оширишга бағишлади.

Федор Давидович Кулаков қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, колхоз тузумини мустаҳкамлашнинг улкан ва мураккаб вазифаларини ҳал қилишга катта ҳисса қўшди. У партия қарорларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ишнинг кўзини чуқур билиб қатнашди, қишлоқ хўжалик органлари, министрликлар ва идораларнинг, илмий муассасаларнинг ишини такомиллаштиришда қунт билан ҳаракат қилди. КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленумида қишлоқ хўжалигида эришилган муҳим ижобий натижалар таъкидлаб ўтилган эди. Бунда Кулаковнинг меҳнати ҳам оз эмас.

Федор Давидович партиявий принципиаллик, юксак масъулиятни ҳис этиш ва талабчанлик, ишчанлик ва камтарлик ҳислатлари билан ажралиб турарди. У гоят дилкаш ва самимий, ўртоқларга нисбатан меҳрибон ва раҳмдил киши эди. Биз ҳаммамиз, у билан бирга ишлаган ва ҳар куни у билан мулоқатда бўлган кишилар, унинг бу фазилатларини айниқса яхши биларди ва қадрлардик.

Федор Давидович ўзининг фидокорона меҳнати ва шахсий ибрати билан партия ва халқнинг зўр ҳурматига сазовор бўлган эди. Ленинчи партиямиз ва ҳукумат унинг меҳнатини юксак баҳоладилар — у Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Ватанимиз орденлари ва медаллари билан мукофотланди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати азиз дўстимиз ва ўртоғимиз Федор Давидович Кулаковнинг бевақт вафот этганлигидан бутун совет халқи ва чет эллик дўстларимиз билан биргаликда ғоят қайғурмоқдалар. Биз марҳумнинг қариндошларига ва ёру биродарларига чуқур ҳамдардлик билдирамиз.

Коммунистик партиянинг содиқ фарзанди, ўзининг бутун ҳаётини халқ манфаатларига, коммунизм қуришдан иборат улуғ ишга бағишлаган Федор Давидович Кулаковнинг порлоқ хотираси совет кишиларининг қалбида абадий сақланиб қолади.

А. П. Кириленко КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг топширигига мувофиқ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Федор Давидович Кулаковнинг хотирасига бағишланган мотам митингини очиқ деб эълон қилди.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари З. Н. Нуриев ўз нутқида Ф. Д. Кулаков мамлакатнинг социалистик қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, уни мустаҳкам саноат негизига кўчириш, халқ фаровонлигини ошириш соҳасида партия ўртага қўйган вазифаларни ҳал қилишга айниқса кўп меҳнат, кучғайрат ва билимларини сарфлаганлигини таъкидлаб ўтди.

Партия Федор Давидович Кулаковни қаерга юборма-син, деди З. Н. Нуриев, у ўзига хос ташаббус ва жуда катта меҳнатсеварлик билан ана шу юксак ишончни муносиб тарзда оқлашга ҳаракат қилди. У қаерда ишламасин — районда, областда ёки марказдами, бурчни ва топширилган иш учун партиявий масъулиятни юксак даражада ҳис этар эди. У топширилган ишга ўзининг бутун куч ва билимини бағишларди.

Федор Давидович Кулаковнинг вафоти — Коммунистик партия ва бутун совет халқи учун ғоят катта жудоликдир.

Ф. Д. Кулаков ижодий кучлари равнақ топган бир пайтда вафот этганлиги, деди КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари В. Н. Макеев, биз учун жуда қайғулидир. Деҳқон оиласида ўсиб улғайган Ф. Д. Кулаков ўзининг бутун ҳаётини, бутун кучи, билими, тажрибасини социалистик қишлоқ хўжалигига бағишлади. Федор Давидович партия ғояларини амалга оширишга қаратилган ҳамма ишда ва ҳамиша зўр ғайрат билан ишлади. У КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ва партия Марказий Комитетининг секретари сифатида ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги партиямизнинг ленинчи штаби коллектив ишига катта ҳисса қўшди. Федор Давидович қишлоқ хўжалигини юксалтириш юзасидан КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленуми белгилаб берган йўлни амалга ошириш учун кўп иш қилди.

КПСС Ставрополь ўлка комитетининг биринчи секретари М. С. Горбачев айтдики, Ф. Д. Кулаковнинг ёркин, катта зафарларга бой ҳаёти — Улуғ Октябрь социалистик инқилоби тузуми қандай ажойиб инсоний фазилатларни вужудга келтирганлигини кўрсатувчи ёрқин далилдир. У партиямизнинг ленинча бош йўлини амалга ошириш соҳасида КПСС Марказий Комитетининг коллектив ишига, партиянинг аграр сиёсатини ишлаб чиқишга ва ҳаётга татбиқ этишга катта ҳисса қўшди. Бу сиёсат бутун совет халқи томонидан маъқулланган Марказий Комитет июль Пленумининг қарорларида янда давом эттирилди ва ривожлантирилди.

Курск областидаги «Родина» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. М. Репринцевга сўз берилади. Азиз юртдошимиз Ф. Д. Кулаковнинг бевақт вафот этганлиги тўғрисидаги хабар, деди у, Курск области меҳнатчиларини ғоят қайғуга солди. Федор Давидович жонажон ўлка билан доимо махкам алоқа боғлаб турар эди. Ўлка экономикаси ва маданиятини ривожлантириш тўғрисида иш учун партиявий масъулиятни юксак даражада ҳис этар эди. У топширилган ишга ўзининг бутун куч ва билимини бағишларди.

Ф. Д. Кулаков КПСС Марказий Комитети 1965 йил март Пленумининг қарорларини амалга оширишга кўп куч ва ғайрат, партия раҳбари истеъдодини бағишлади. Шу йиллар мобайнида мамлакат халқ хўжалиги партия раҳбарлигида олга қараб катта қадам қўйди, деди нотиқ.

Мотам митинги ёпиқ деб эълон қилинади. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет давлатининг раҳбарлари Мавзолей минбаридан тушадилар. Улар қутини кўтариб, Кремль девори томон йўл оладилар.

А. П. Кириленко тўп салютининг садолари остида Ф. Д. Кулаков хоки солинган қутини токчага қўяди. Бу токча мемориал плита билан ёпилади. Плитага қуйидаги сўзлар ёзиб қуйилган:

Федор Давидович

КУЛАКОВ

4 II 1918 — 17 VII 1978

Мотам марши чалинади. Шундан кейин Совет Иттифоқи давлат гимни ижро этилади.

Ҳарбий бўлинмалар тантанавор юриб ўтишади. СССР Қуролли Кучларининг намояндалари Ватанга, Улуғ Ленин ишига садоқат билан хизмат қилган Ф. Д. Кулаковга сўнгги ҳарбий ҳурматларини бажо келтирадилар. (ТАСС).

МОСКВА ШАҲАР СУДИДА

Москва шаҳар судида жамоатчилик вакиллари, совет ва чет эл журналистлари иштирокида СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг «Балтимор сан» газетасининг Москвадаги мухбири Геральд Д. Пайпер билан «Нью-Йорк таймс» газетасининг Москвадаги мухбири Крейг Р. Уитнига қарши гражданлик даъвоси кўриб чиқилди.

Илгари хабар берилганидек, Г. Пайпер билан К. Уитни ўша газеталарда босилган мақолаларида СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетига қўпол туҳмат қилиб, Советларга қарши фаолияти учун қораланган З. Гамсахурдиянинг Марказий Телевидение «Вақт» программаси орқали кўрсатилган нутқини ясама нутқ деб ёзғондилар. Журналистлар ўз мақолаларида З. Гамсахурдиа телевидение учун бундай гапларни айтмаганди, деб даъво қилдилар.

Суд РСФСР Гражданлик кодексининг ташкилотлар ва граждан-лар ор-номуси ва қадр-қимматини матбуотдаги туҳматдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги 7- моддасига мувофиқ давлат комитетининг даъвосини қабул қилди ҳамда даъвогар билан жавобгарлар — американ-лик мухбирлар Г. Пайпер билан К. Уитнига масаланинг моҳияти юзасидан тегишли тушунтириш ва исбоглар кўрсатишни таклиф этди. Американ-лик журналистлар ёзма тушунтириш бердилар, аммо ўзлари судга келмадилар.

Суд РСФСР Гражданлик процессуал кодексининг 14 ва 50-моддаларига асосан 18 июль куни бўлиб ўтган мажлисида томонларнинг муносабатларини тўла ва ҳар томонлама аниқлаб олиш мақсадларида давлат комитети вакилларини тинглади, американ-лик журналистлар Г. Пайпер билан К. Уитни мақолаларини, З. Гамсахурдиа гапи ёзилган видеолента нусхасини ва ишга доир бошқа далилларни синчиклаб тадқиқ этди. Шундан сўнг гувоҳ З. Гамсахурдиа залга таклиф этилди. З. Гамсахурдиа ўзининг батафсил тушунтиришида у айтган гаплар ўзининг розилиги билан телесъёмка қилинганлигини ва ундаги гаплар ўзи айтган гапларга тамомила тўғрилигини судга гапириб берди.

Суд американ-лик журналистлар Г. Пайпер билан К. Уитнининг ёзма тушунтиришларини ҳам текшириб чиқди. Аммо бунда даъвогарнинг шикоятини рад эта оладиган далиллар тополмади.

Натижада Москва шаҳар суди Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг американ-лик мухбирларга нисбатан қўйган даъвосини асосли ва қондирилиши лозим деб топди. Суд Г. Пайпер билан К. Уитни «Балтимор сан» ва «Нью-Йорк таймс» газеталарида эълон қилинган мақолаларида баён этиб берган маълумотлар Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети билан унинг ходимларининг ор-номуси ва қадр-қимматини поймол этадигани бўҳтон ўйдирмалар эканлигини аниқлади.

Суд Г. Пайпер билан К. Уитни зиммасига беш кунлик мудат ичида «Балтимор сан» ва «Нью-Йорк таймс» газеталарида ёки совет матбуотида ўша мақолаларнинг мазмуни хусусида раддия эълон қилиш мажбуриятини юклади ҳамда суд харажатларини уларнинг ҳисобига ёзди. (ТАСС).

САЛОМАТЛИК «ШАҲАРЧАСИ»

Қазорасп пахта заводининг санаторий-профилактория сидастлабки дам олувчиларни қабул қилди. Унинг 120 кишига мўлжалланган тўртта корпуси сersув Полвон канали қирғоғи соҳилида қад ўнтарди. Бу ерда яхши ҳордиқ чиқариш ва даволаниш учун ҳамма зарур нарсалар муҳайё. Санаторий ихтиёрида маҳаллий шифобахш балчиқ ва минерал сув бор. Завод ёрдамчи хўжалиги дам олувчиларни маҳсулотлар билан таъминлаб туради, деб ёзади ЎзТАГ мухбири.

Завод ишчилари профилакторийни ўз кучлари билан, ҳашар қилиб қурдилар. Биноқорлик материаллари ва асбобускуналар сотиб олиш учун маблағ заводнинг пландан ташқари олган фойдаси ҳисобидан ажратилди.

Планетамизда

К. ВАЛЬДХАЙМНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ДАМАШҚ, 19 июль (ТАСС). Бу ерга келган БМТ Бош секретари К. Вальдхайм Сурия президенти Ҳ. Асад ҳамда ташқи ишлар министри А. Ҳ. Ҳаддам билан музокаралар ўтказди. У Фаластин Озодлик ташкилоти ижроия комитетининг раиси Я. Арафат билан ҳам учрашди. Музокаралар чоғида Яқин Шарқдаги вазият ва Ливандаги аҳвол муҳокама қилинди.

Я. Арафат билан олиб борилган музокаралар чоғида, деб қайд этди К. Вальдхайм, мамлакатда сиёсий танглик-ни енгиб ўтиш ҳамда осойишталик ўрнатиш мақсадларида Фаластин Озодлик ташкилоти билан БМТнинг Ливанда бўлган муваққат кучлари ўртасида ҳамкорликни давом эттиришга алоҳида эътибор берилди.

ХЕЛЬСИНКИДАГИ УЧРАШУВЛАР

ХЕЛЬСИНКИ, 18 июль. (ТАСС). Оддий қурол-яроғлар билан халқаро миқёсда савдо қилиш ва уларни етказиб беришни чеклаш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш учун СССР билан АҚШ делегацияларининг учрашувлари 18 июлда Хельсинкида яна бошланди.

АМЕРИКАЛИКЛАРНИНГ ФИКРИ

Америкаликларнинг катта кўпчилиги стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисидаги Совет—Америка музокараларини давом эттиришни ва тезроқ тугаллашни талаб қилмоқда. «Ньюсуик» журналининг топшириғига биноан Ж. Гэллап институти томонидан жамоатчилик фикрини билиш учун яна бир марта ўтказилган сўров натижалари буни кўрсатиб турибди.

Америкада ҳар ўн кишидан олтитаси қуролларни чеклаш тўғрисида битимга келиш ички ёки ташқи сиёсий мулоҳазаларнинг бошқа ҳаммасига қараганда анча кўпроқ аҳамиятга эга ва АҚШ ҳукумати биринчи галда мана шундай битимга келишга интилмоғи лозим, деган фикрни айтди.

Сўровга жавоб берганларнинг 65 проценти Женевада КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан АҚШ давлат секретари С. Вэнс ўртасида стратегик қуролларни чеклаш тўғрисида олиб борилган музокаралар бутун инсониятнинг келажаги учун «ғоят муҳим» ишнинг бир қисми бўлди, деган қатъий фикрни айтди.

Бу ерда айтишларича, Америка жамоатчилиги президент Ж. Картернинг Боннидаги матбуот конференциясида, А. А. Громико билан С. Вэнс музокаралари, менинг фикримча, «конструктив ва ижобий музокаралар» бўлди, деган гапини мамнуният билан кутиб олди. (ТАСС).

ВСР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ АХБОРОТИ

ХАНОЙ (ТАСС). ВСР Ташқи ишлар министрлиги билан Хитой элчихонаси вакилларининг Вьетнамдан чиқиб кетишни истовчи Хитой миллатидаги кишилар масаласи хусусида бу ерда бўлиб ўтган ўн бешинчи учрашуви Хитой томонининг айби билан натижасиз тугади. ВСР Ташқи ишлар министрлигининг ахборотида айтиладики, бир ойдан бери олиб борилаётган музокаралардан маълум бўлишича, Хитой дарҳақиқат шу кишиларни қабул қилиб олишни хоҳлаганида масала аллақачон ҳал этилган бўлур эди.

Хитой раҳбарлари кўтарган пропаганда шов-шуви, шу жумладан кемаларни Вьетнам соҳилларига намойишкорона юбориш ифвогарлик найранглари эканлиги афкор оммага кун сайин равшан бўлиб бормоқда, дейилади ахборотда. Буларнинг ҳаммасидан мақсад Вьетнамга қарши кампанияни авж олдиришдир.

ЯМАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ

ҚОҲИРА (ТАСС). Халқ таъсис мажлиси Али Абдалло Солиҳни Яман Араб Республикасининг янги президенти қилиб сайлади. У шунингдек мамлакат қуролли кучларининг бош қўмондони қилиб тайинланди.

А. А. Солиҳ шу лавозимга сайлангунча Яман Араб Республикаси президентлик кенгашининг аъзоси бўлиб, мамлакат қуролли кучлари бош штабининг бошлиғи лавозимида ишлар эди.

ХАВФЛИ ЗАРАРКУНАНДА

Лондонда нашр этилувчи ҳафталик «Миддл ист экономик дайжест» газетаси бу йил нейинги 16 йил ичида энг катта чигиртка ҳужумини кутиш мумкин, деб огоҳлантиради.

Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, шу мечиай зараркунанда шарқда Ҳиндистондан ғарбга Марокашгача ҳамда шимолда Испаниядан жанубга Танзаниягача борадиган майдонни — ер қуруқлигининг бешдан бир қисмини ташкил этувчи улкан территориядаги экинларни йўқ қилишга қодир.

Чунончи, бунда гап зараркунанданинг энг хавфли турларидан бири — саҳро чигиртқаси деб аталувчи чигиртка тўғрисида бораётир. Ҳашарот билан дастлабки босқичда курашиш анча қийинлашади. Бундан ташқари саҳро чигиртка галалари ғоят чидамли бўлиб, бир тўйиб олганидан сўнг 4,5 минг километр масофани учиб ўта олади.

Бу йил дала зараркунандаларининг хатарли тарқалиши мумкинлигининг асосий сабабларидан бири шуки, ўтган йили бутун ёз бўйи Арабистон ярим оролининг жануби ва шарқида ҳаддан ташқари кўп ёғингарчилик бўлганлиги шу районларда чигиртканнинг тез кўпайишига кўмак берди.

(ТАСС).

ПЕКИННИНГ ГЕГЕМОНЧИЛИГИ ҚОРАЛАНМОҚДА

Халқаро прогрессив жамоатчилик, дунёдаги кўпгина мамлакатларнинг матбуоти Пекин раҳбарларининг Вьетнамга қарши снёсатини Хитой гегемончилик йўлининг таркибий қисми сифатида, шунингдек унинг бу районда кескинликни кучайтириш мақсадида социалистик Вьетнамга қарши ўтказаётган туҳмат кампанияси-ни қатъий қораламоқда.

● ГАВАНА

Маоизм, деб ёзади «Гранма» газетаси, Вьетнамни ўзининг революцион мазмундан бутунлай маҳрум бўлган снёсатига эргаштиришга мажбур қилиш йўлидаги уринишларида бутунлай шарманда бўлди. Хитой раҳбарларининг ВСР билан муносабатларда муаммолар вужудга келтиришга ундаган даъволари қанчалик бўҳтон эканлигини тасаввур қилиш учун шуни айтиш кифоя қиладики, шу мамлакатда яшовчи кўпдан-кўп хитойлар ХХРга жўнаб кетишдан бош тортдилар, чунки улар ўзларини «таъқиб этилган кишилар» деб ҳисобламайдилар. Айни вақтда, деб давом қилади газета, ХХР да яшовчи Вьетнам миллатига мансуб кишиларнинг ҳуқуқлари жуда чеклаб қўйилган.

● ПРАГА

«Млада фронта» газетаси қуйидагиларни ёзади: Хитой маъмурларининг Вьетнамга ёрдам беришни батамом тўхтатиш ҳамда ўз мутахассисларини ВСРдан чақириб олиш тўғрисидаги қарори ўзининг жанубий қўшнисини ўзига бўйсундириб олиш йўлидаги уринишларнинг янги бир босқичини билдиради. Пекин Хитой миллатига мансуб шахслар тўғрисидаги масала теварагида пропаганда мақсадидаги шовқин-суронидан кейин қўпол иқтисодий тазйиқ йўлига ошкора ўтиб олди.

● МЕХИКО

Мексика Социалистик Халқ партияси Марказий Комитети ВСР ҳукуматининг Бош министри Фам Ван Донгга йўллаган мактубида Вьетнамнинг қаҳрамон халқи билан қардошларча бирдамлик изҳор қилди.

Хитой ва Хитой ҳукумати, дейилади мактубда, марксизм-ленинизм ва халқаро ишчилар ҳаракати принципларига ошкора хоинлик қилиш йўлига ўтиб олдилар. Социалистик Халқ партияси ВСР ҳукуматининг иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларда вужудга келган проблемаларни муҳокаралар олиб бориш йўли билан тинч бартараф этишга қаратилган снёсатини қўллаб-қувватлади.

● ЖАКАРТА

Индонезияда чиқадиган нуфузли «Мердека» газетаси Вьетнам билан муносабатлардаги кескинлик учун бутун жавобгарлик Пекин маъмурлари зиммасига тушади, деб таъкидлайди. Газета Вьетнам томонининг позициясига юксак баҳо бериб, Хитой иккала мамлакат ўртасидаги музокараларни ҳамон барбод этмоқда, «зўравонлик позициясида турибз» иш кўрмоқда, деб уқтиради. Пекин раҳбарларининг хатти-ҳаракатлари, деб ёзади «Мердека» газетаси, Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиёда хавфсизлик ва стабилликка реал таҳдид солмоқда.

(ТАСС).

«СКАЙЛЭБ» СТАНЦИЯСИДАГИ НОСОЗЛИКЛАР

ВАШИНГТОН, 19 июль (ТАСС). Аэронавтика ва космик фазони тадқиқ этиш миллий бошқармасининг хабарига кўра, Американинг «Скайлэб» космик станциясида электр таъминот системасида носозликлар вужудга келган. Станция 1973 йилдан бери Ер атрофи орбитасида бўлиб ҳозирги вақтда баландлигини тез йўқотиб бормоқда. Бу нарса станция ориентациясини таъминлашни қийинлаштиради. Мутахассислар уни бирмунча баланд орбитага чиқариб қўймоқчи эдилар.

Станция орбитасини ўтган йил охирида махсус ўлчаш у баландлигини мўлжалдагидан анча тез йўқотаётганлигини кўрсатди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

ЧЎЛ ЗОНАСИ ЧОРВАЧИЛИГИ ЮКСАЛИШДА

Районимиз Қарши чўлида ташкил қилинган бўлиб, пахтачилик ва чорвачиликка ихтисослаштирилган, ҳар икки тармоқ бутун ишлаб чиқариш жараёнини комплекс механизациялаш негизида ривожлантирилмоқда. Бунинг асосий сабаби шуки, ер майдони кенг, лекин ишчи кучи кам. Ундан ташқари партия аграр сиёсатининг ҳозирги босқичдаги асосий йўналишларидан бири совхозлар ишлаб чиқаришини комплекс механизациялаш, шу асосда пахта, ғалла, сут, гўшт, тухум ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш, сорти ва сифатини яхшилаш, рентабелликни ошириш, таннархни арзонлаштиришдир.

Бу йил районимиз бўйича 100 минг тонна пахта етиштириш, унинг асосий қисмини машиналарда териб олишдек юксак мажбурият қабул қилганмиз. Баҳорги табиий қийинчиликларни енгиб, мўл пахта ҳосилига мустаҳкам замин яратяпмиз. Ҳозир ҳамма майдонлардаги ғўзаларимиз гуллаб, кўсаклаяпти, юқори ҳосилдан дарак беряпти. Пахтакор — механизаторларимиз вазиятни ҳисоба олиб, ғўза парваришини пахта йиғим-теримни бошлангунча сира бўшаштирмай давом эттиришга қарор қилдилар.

Чорвадорларимиз ҳам чўл қийинчиликларини енгиб, чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулотлар етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун социалистик мусобақани кучайтирмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг шу йил июль Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида»ги докладидан руҳланиб янада зўр ғайрат билан ишламоқдалар.

Ярим йиллик ғўшт тайёрлаш плани районимиз бўйича 172 процент бажарилди, давлатга пландаги 696 тонна ўрнига 1.202 тонна бўрдоқи ва сўқим ғўшти етказиб берилди. Ялпи ғўшт миқдори ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 27 процент кўпайтирилди. Ютуқларимизнинг муҳим омиллари-дан бири шу бўлдики, партия ташкилотларимиз чорвачилик тармоғи билан жиддий шуғуллана бошладилар. Ўтган йилларда йўл қўйилган камчиликларни тугатиб, ютуқларни мустаҳкамлаб-лар. Ҳамма турдаги чорва моллар бўрдоқичилик базаларида семиритириб ғўштга топширилмоқда, бундан хўжаликлар, чорвадорлар катта иқтисодий фойда кўряпти, айни кезда кўплаб туёқ сони саклаб колиняпти. Корамолларнинг тирик вазнини 430-450 килограммга, қўйларнинг оғирлигини 40-50 килограммга етказиш олдат тусига киритилмоқда.

Ўтган ярим йилда сутчиликни ривожлантиришда кам ва ноқулай шароитларга муваффақиятларга эришдик. Чорвадорларимиз халқимизга пландаги 970 тонна ўрнига 1190 тонна сут жўнатдилар. Тухум жун тайёрлаш ярим йиллик топшириқлари ҳам анча ошириб адо этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Қашқадарё области механизация-лаштирилган бир йилда икки йиллик план миқдорида ем-хашак тайёрлаш ҳақидаги ташаббусини маъқуллади. Нишон ана шу ташаббускор областнинг чорвачилиги шаҳдам тараққий эттирилаётган районларидан биридир. Биз бу йил топшириққа мувофиқ қишлов учун 70 минг тонна хашак жамғаришимиз керак. Ҳар бир хўжаликда махсус ем-хашак тайёрлаш бригадалари тузилди, уларга ишчи кучлари, техника воситалари ажратиб берилди, ўғитлар, сув билан тўла таъминланди. Бу суғориладиган ерлардан ҳар качонгидан кўп беда олишга имкон бермоқда. 1500 гектар маккажўхори майдонининг ҳар гектаридан 100 центнердан дон, кўплаб поя олишга мустаҳкам замин яратмоқдамиз. Ленин комсомоли мукофоти лауреати Воҳид Чориев, Чори Поёнов каби олов қалбли комсомолёшларимиз бригадалари маккажўхори донини 110-120 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

Ғаллачиликни ҳам шаҳдам ривожлантиряпмиз. 8.300 гектар лалмикор майдондаги бошоқли экинлар йиғиштириб олинди, гектаридан 15 центнердан хирмон кўтарилди. Сомон қишлов жойларига ташиб олинди. Шу кунларда хашак ўримйиғими жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда. Яқин фурсатларда 70 минг тонналик марра сўзсиз эгалланади.

«Пахтакор». Чўли Бегимқулов номли, Усмон Юсупов номли, «СССР 50 йиллиги», Сальвадор Альенде номли совхозларимиз йиллик ғўшт тайёрлаш планларини бажарганларига анча бўлди. Мустаҳкам озуқа базасининг яратилиши ана шундай галабага олиб келди.

Карл Маркс номли совхоз олти ойда аҳолига пландаги 280 тонна ўрнига 340 тонна сут жўнатди, «Пахтакор» совхози кўзда тутилганидан 32 тонна эшёд сут етиштирди. Кўпчилик совхозларимиз ҳозиргадек йиллик тухум тайёрлаш халқ хўжалик планларини бажариб, оширилган мажбурият ҳисобига маҳсулот топширмоқдалар.

Биз ғалла ўрим-йиғими кунларида ғаллакорларимиз олдига борлиқ ҳосилни тез кунларда сира нобуд қилмасдан ўриб-янчиб олиш вазифасини кўйдик. Бу топшириқ шараф билан бажарилди. «Нишон», «Самарқанд» совхозларимиз давлатга тўрт-тўрт ярим план миқдорида дон етказиб бердилар. уруғлик фонди, чорва моллар учун кўпгина концентрат ажратдилар, сомонни сира исроф қилмасдан ғарамлаб олдилар. Ғалладан бўшаган ерлар шудгорланмоқда.

Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари чорвачилик маҳсулотлари харид қилиш юзасидан 1978 йилги топшириқлар ва социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажарганлиқ учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқларини таъсис этиш тўғрисидаги қарорини ҳушнудлиқ билан қутиб олдилар, мусобақада ғолиб чиқиш учун социалистик мусобақани бутун чоралар билан кучайтирмоқдалар.

Қўйчиликка ихтисослаштирилган «Нишон» совхозимизда 15 минг тоннадан зиёд дағал хашак ўриб-йиғиб олинди. Рўзи Чўлиев, Нариман Раҳманов, Ашур Халлиевлар бошлиқ ем-хашак тайёрлаш бригадалари аъзолари кунлик топшириқларни икки-уч ҳисса ошириб бажармоқдалар. Бу йил районимиз бўйича икки йиллик пландан кам ем-хашак тайёрлаган бирорта хўжалик бўлмайди. Биз шуни кўзлаб иш тутяпмиз.

Хўжаликларимизда 18 минг тонна сенаж бостирилди. Бу ҳали кам. Ҳар қандай шароитда ҳам 45 минг тонна сенаж бостирилишига эришамиз. «Пахтакор», Карл Маркс номли совхозларимиз 3,5-5 минг тоннадан сенаж бостириб олдинда бормоқдалар.

Эртаги, ўртаги хашаклар ўриб олинди, ғарамлаб қўйилди. Кечки хашакларни ўришни кун сайин кучайтиришимиз керак. Ем-хашак тайёрлаш бригадаларининг аъзолари ғайрат билан меҳнат қиляптилар, уларга ҳамма шароитлар яратиб берилди. Саноқли кунлардан кейин маккажўхори ўримини бошлаймиз. Ҳозир сўталар пишди, донинг тўғри яхши, касалликлардан муҳофаза қилиняпти. Комбайнларни тахт қилиб қўйганмиз. Ким қайси картанинг маккажўхорисини ўради, донини қайси хирмонга топширади, транспорт ходимларидан кимлар хизмат килади — ҳаммасини яхши билади. Нобудгарчиликнинг олдини олиш чораларини ҳам кўриб қўйдик.

КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг «СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарорида «Кейинги йилларда чорвачиликни интенсивлаштириш соҳасида план асосида кўп иш қилинмоқда. Аммо бу тармоқ ўз тараққиётида, хусусан ғўшт етиштириш борасида талаб этилган даражага ҳали эришган эмас. Колхоз ва совхозлар ғўшт ресурсларини кўпайтиришда катта резервларга эга бўлганлари ҳолда, уларни тўла реализация қилмаётирлар. Молларнинг анчагина қисми семиритирилмаган, орик ҳолда ғўшт комбинатларига юборилмоқда. Баъзи районларда кўп миқдорда бузоклар сўйиб юборилмоқда. Соғиб олинаётган сутнинг миқдори ҳануз кам. сигирларнинг кисир колишига йўл кўйилмоқда. аслини олганда меҳнат. озуқа сарфи камаймяпти. махсулотнинг таннархи ортиб боряпти. Кўпгина партия ташкилотлари, совет. кишлок хўжалик органлари ҳамда колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари чорвачиликни интенсивлаштириш. уни саноат негизига ўтказиш тадбирларини суст амалга оширмоқдалар. Бу эса ана шу тармокнинг самарадорлигини оширишга тўсқинлик қиляпти» дейилган.

Район партия ташкилотлари бу танкидий фикрлардан тегишли хулоса чиқариб чорвачиликни интенсивлаштириш, махсулотлар етиштириш ва тайёрлашни кескин кўпайтириш учун хамма чораларни кўрадилар.

Ж. ХУШНАЗАРОВ.
Қашқадарё область Нишон район партия комитетининг биринчи секретари.



СИРДАРЕ ОБЛАСТИ. Оқолтин районидаги «Фарғона» совхозининг йигитали Шокиров бошлиқ 5- бўлими пахтакорлари 750 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 27,5 центнер ўрнига 35 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш учун курашиб, ғўза парваришини қизгин давом эттираётирлар. Бўлим далаларида 35 сувчи, 16 чопиқ трактори ишлаб турибди. Пахтазорларни сув билан таъминлашда гидротехник Равшан Рашидов, ғўзани юксак агротехника қондалари асосида парвариш қилишда бўлим агрономи Иқрор Ҳусайновлар жонбозлик кўрсатишаётир. Суратларда: чапдан — гидротехник Р. Рашидов ва бўлим агрономи И. Ҳусаинов. Ўнгда — бўлим далаларида ғўзага ишлов бериш пайти.

А. Тўраев фотолари.

ШАХМАТ

МУРОСАГА ЎРИН ЙЎҚ

Шахмат аҳли учун ҳаяжонли дамлар бошланди. Филиппин пойтахти Маниладан унча узоқ бўлмаган хушманзара Багио шаҳрида жаҳоннинг 12-расмий чемпиони Анатолий Карпов саралаш мусобақаларидан «бутун» чиққан тож талабгори Виктор Корчной билан дона суришишга киришди.

Еш совет гроссмейстери Анатолий Карпов тажрибали рақиби билан узоқ давом этувчи яккама-якка олишувда илк бор ўз унвонини сақлаб қолиш учун бор кучини сарфлаши турган гап. Хуллас, бу матчнинг пировард натижаси жаҳоннинг ўн учинчи чемпиони бўладими ёки йўқми, деган саволга жавоб бериши даркор.

Расмий жаҳон чемпионатлари ўтказила бошлаганига салкам юз йил бўлай деб қолган бўлсада, бу юксак унвонга атиги 12 нафар гроссмейстер сазовор бўлган, холос. Шулардан бири ўттиз йил мобайнида совет шахмат мактабининг пешқадами бўлган Михаил Ботвинник 1948—1963 йиллар мобайнида беш карра рамзий шахмат тахтасига кўтарилган. Бинобарин тож учун ўтказилган матчларнинг аксариятида эски чемпион ўрнини бўшатмаган.

Аввало, тож талабгори ҳақида қисқача маълумот бераек. Собиқ совет шахматчиси, ҳозирда ҳеч қайси бир мамлакат гражданлигига ўта олмай, икки жаҳон ораси бўлиб юрган Виктор Корчной аввали ютуқлари важидан саккиз тож талабгоридан бири бўлиб қолди. Чорак финал матчида у жаҳон экс-чемпиони Тигран Петросянни бир очко устунлик билан енгди. Ярим финалда Лев Полугаевский билан учрашди. Шахматчиларнинг «кушандалари» ҳам бўладики, кучи қандай бўлишидан қатъи назар ўшанга рўпара келди дегунча ночор аҳволда қоладилар.

Бу учрашувда ҳам худди шундай ҳол юз берди. Кейинги йигирма йил мобайнида Корчнойга карши курашда кўпинча муваффақиятсизликка учраб келган Полугаевский бу сафар ҳам одатдагидек ўйинларига жон кирита олмади ва матчни бой бериб кўйди. Финалда Корчной анчайин дадил рақибга дуч келди. Бу чорак финалда чехословакиялик Властимил Горт, ярим финалда эса Бент Ларсендек шахматчини мағлуб этган венгриялик Лайош Портиш устидан ғалаба қозонган жаҳон экс-чемпиони Борис Спасский эди. Имкониятлар тенг деган баҳо ўртага ташланган бир пайтда Борис Спасский устма-уст мағлуб бўла бошлади. Кейинчалик ташаббус Спасскийга ўтди-ю аммо у кечиккан эди:

Маррага яқин яна қоқилиб финалга йўлланмани Корчнойга бериб кўйди. Ана шу матч партияларини таҳлил қилиш оқибатида мутахассислар иккала томон ҳам ажойиб ўйнаганлигини, лекин психологик таъсир оқибатида рақиблар мавқеларига мос тушмайдиган хатоларга йўл қўйганлигини эътироф этдилар. Йўлланма битта бўлгач, унга қаттиқ интилиш баъзан қалтис йўлларга ҳам бошлаши, айни вақтда шахматчини мўлжалдан янгилиштириши мукаррар. Умумий хулоса шу бўлдики, Виктор Корчной қурашга шайлик даражаси юксак баҳоланди.

Хўш, у шу шайлиги билан кимга рўбарў бўлмоқда? У юксак ном — чемпионликка эришгандан бери ўтган уч йил мобайнида курашни тарк этмаётган, беллашганда ҳам нуқул катта мусобақаларда асосий рақибларини танг қолдириб биринчи совриндор бўлиб келаётган навқирон гроссмейстер Анатолий Карповга дуч келмоқда. Жаҳон чемпионининг ягона рақибини аниқлаб берган бундан аввалги туркум мусобақаларининг финал матчида Корчной билан Карпов беллашган, ўшанда аввалига уч ўйинни бой бериб, кейин икки учрашувни ютиб чиққан Корчной 2:3 ҳисобида енгилиб, бармогини тишлаб қолганлиги муҳлисларнинг ёдида. Орадан мана тўрт йил ўтди. Шу давр ичида иккови ҳам анча-мунча муваффақиятларга эришди. Буни рамзий тарозу паллаларига қўйилса, жаҳон чемпионининг ғалабалари салмоқдорроқ эканлиги билинади, албатта. Бўлмаса, қаторасига беш йил мобайнида у энг яхши шахматчи сифатида тан олинмас, Оскар мукофотига сазовор бўлмас эди.

Одатда бу юксак совриндор жаҳон чемпионлиги учун эмас, балки ўтган йилнинг энг фаол, энг кўп ютуққа эришган шахматчисига берилади. Кейинги 3-4 йил орасидаги ўсиш суръатини таққослайдиган бўлсак, 20 дан ўттизга қараб кетаётган ёш йигитнинг бу борадаги силжишининг қирқдан эллик ёшга қараб бораётган кишиникидан юқори бўлишига далил келтириш учун ҳужжат бўлмаса керак. Хуллас, барча кўрсаткичлари бўйича устунлик Анатолий Карпов томонида эканлиги равшан. Аммо, яна бир нарсани назардан қочирмаслик даркор. Аввало бу тажрибанинг бойлиги-ю, имкониятларнинг торлигидан келиб чиқувчи нарсадир. В. Корчной ном чиқарган пайтда Карпов энди туғилган эди. Бинобарин бу учрашув Корчнойнинг шахмат тожи учун бўладиган охирги ҳаёт-мамот жанги бўлади. Келгуси туркум якунигача эллик ёшни ўриб қўювчи шахматчининг ўзи буни яхши билади. Шу боис у бор кучи, маҳорати ва «қилиқларини ишга солишга интилиши бор гап.

Айни паллада шахмат партиясининг қайси босқичи-ю, стратегия ва тактикасида ким устунлик қилиши борасида аниқ мулоҳаза юритиш ниҳоятда мушкул. Бунга матчнинг ўзи, шайлик, айниқса жисмоний ҳамда психологик даволжалари ўзаро тўқнашгандагина жавоб топамиз. Шартга кўра томонлардан қайси бири олдинрок олти ўйинни ютса ўша тождоо бўлади, дурангла-лар ҳисобга кирмайди. Демак, матчни қай йўсинда давом эттириш, унинг тактикасини тузиш ва амалга ошириш ҳам биринчи даражали омиллардандир. Ҳарқалай, Карповнинг имкониятларини биз юқорироқ деб биламиз ва унга муваффақият тилаймиз.

Дастлабки учрашувни қора доналар суриш билан бошлаган А. Карпов билан В. Корчной ўртасидаги ўйин 18 юришдан кейин томонларнинг ўзаро битими билан тугади.

М. МУҲИДДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» шахмат шарҳловчиси.

СПОРТ

Волейбол: КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ

Мамлакат чемпионатига қизғин ҳозирлик кўраётган коллективлар СССР кубоги учун ўтказилган мусобақада иштирок этдилар. Совриндорлик учун ўтказилган зонал мусобақалар мамлакатнинг 6 шаҳрида давом этди. Республикамиз пойтахтида Ленинграднинг «Спартак», Олмаотанинг уй қурилиш комбинати, Фрунзенинг «Буревестник», Душанбанинг Ортоникидзе номли арматура заводи коллективлари ҳамда Қозоғистон мактаб ўқувчилари терма командаси меҳмон бўлишди. Майдон эгалари —Тошкентнинг «Автомобилист» командаси волейболчилари эса олтинчи коллектив ҳисобида майдонга чиқишди.

Кубок учун курашда командаларнинг мамлакат чемпионатига қандай тайёрларлик кўришаётгани яна бир бор намоён бўлди. «Автомобилист» қизлари дастлабки учрашувни олий лиига вакили ленинградлик спартакчилар билан ўтказдилар. Вакилларимиз бу учрашувда 3:1 ҳисобида муваффақият қозондилар. Лекин, команда-да бир қатор тажрибали ўйинчиларнинг йўқлиги сезилиб турди. Чунончи, фрунзелик студентлар ҳамда олмаоталик ўқувчилар билан ўтказилган ўйинларда «Автомобилист» ғалабага осонликча эришмади. Волейболчиларимиз қолган учрашувларни ҳам яхши ўтказишга ҳаракат қилдилар. Муҳими, команданинг таниқли ва тажрибали ўйинчилари ўрнини боса оладиган ёшлар камол топаётганлиги мутахассисларни мамнун этди. «Автомобилист» СССР кубоги учун курашнинг ярим финалида курашни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритди. Ленинградлик спартакчилар эса ярим финалга иккинчи йўлланмани олишди.

С. ДАНИЛОВ.

БЕЛЛАШУВЛАР, ТУПЛАР, ОЧКОЛАР

◆ **Енгил атлетика.** Вильнюс да ака-ука Знаменскийлар хотираси учун анъанавий мусобақа бошланди. 3 минг метрга югуриш бўйича ўтказилган дастлабки баҳсда андижонлик Светлана Ўлмасова маҳорат кўрсатди. Светлана биринчи километрни муваффақиятли босиб ўтди. Кейин Р. Белоусова марра сари интила бошлади. Ҳал қилувчи дақиқаларда эса чебоксарлик Г. Романова ҳам ғолибликка даъвогарлик қила бошлади. Пировард натижа (8 минут 43 секунд) Романованинг биринчи бўлишига имкон берди. Светлана 8 минуту 44,5 секунд натижа билан фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Р. Белоусова эса учинчи бўлди.

◆ **Чим хокиеи.** Андижоннинг «Меҳнат» командаси навбатдаги учрашувни Ленинграднинг «Красний заря» коллективи билан ўтказди. Ҳисоб —1:0.

◆ **Велопойга.** Харьковда ўсмирлар ўртасида мамлакат биринчиликги мусобақаларида иштирок этган республикамиз вакили С. Воронин 4 километрли пойгада (5 минут, 36,34 секунд) голиблик қилди .У, шунингдек, 50 километрли критериум пойгада ҳам муваффақият қозонди.

◆ **Футбол.** СССР кубоги учун курашнинг финалида иштирок этиш «Шахтёр» командасига насиб қилди. Иккинчи финалчи «Динамо» (К) — «Торпедо» учрашувидан кейин маълум бўлади.

ҒЎЗА ЗАРАРКУНАНДАЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ

Июлнинг иккинчи ўн кунлигидан ҳарорат кўтарилганлиги сабабли ўргимчаккана ривожланиб, пахтазорларга тарқала бошлади. Ўргимчаккана кўплаб тухум қўйганлиги аниқланди. Бу эса июлнинг охирларига бориб, ўргимчаккана яна кўпайишини, вақтида курош олиб борилмаса, у келтирадиган зарар ҳам ортишини кўрсатиб турибди.

Фарғона, Андижон, Самарқанд, Қашқадарё, Тошкент области хўжаликларида ғўзага кўпроқ ўргимчаккана тушганлиги аниқланди.

Энтомофаглар фаолияти активлашгани шунингдек, ҳарорат кўтарилганлиги сабабли шира битлари анча камайди. Бироқ Фарғона областининг айрим хўжаликларида баъзи пайкалларнинг 50—95 процента шира билан зарарланганлигини учратиш мумкин.

Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Сирдарёё ва Жиззах области-дарида ғўза тупларида тамаки қурти анча тарқалгачлиги аниқланди. Бу ерларда ғўзанинг 15—75 процента тамаки трипси билан зарарланган. Ҳар туп ғўзада иккитадан саккизтагача зараркунанда учрамоқда.

Сурхондарё, Бухоро ва Қашқадарё областларидан эса кўсак қурти капалакларининг, чиқиши ва кўплаб тухум қўйиши кутилмоқда.

Маълумотларга қараганда, июль ва август ойларида қишлоқ хўжалик зараркунандалари кенг тарқалади. Бу эса хўжалик раҳбарлари ва мутахассислардан, ўсимликларни ҳимоя қилиш хизмати ходимларидан бутун кучни ўсимликларни ҳимоя қилишни ташкил этишга қаратишни талаб қилади.

Шу сабабли, ўтган йиллардаги хаталарни ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашни йилнинг агрометеорологик шароитларини эътиборга олган ҳолда янгича ташкил этмоқ керак.

Ўтган йилларда йўл қўйилган ва ҳамон бартараф этилмаган кўпол хатолардан бири ўсимликларни химиявий йўл билан ҳимоя қилишга зўр беришдир. Пайкалларда қишлоқ хўжалик зараркунандаларини пайдо бўлиши биланоқ экинларни зарарлантиришдан сақлаб қолиш учун далаларга дарҳол дори сепилди. Зараркунандалар уларнинг сочига экинларнинг зарарланиш даражасига, ҳашаротлар келтирадиган зарар миқдорига эътибор бермаган ҳолда қириб ташлачаверади. Химиявий воситаларни қайта ва қайта қўлланиш ташқи муҳитга салбий таъсир кўрсатиб, биоценозни ҳамда зарарли ва фойдали ҳашаротлар мутаносиблигини бутунлай бузиб ташлади. Бунинг оқибатида қўлланадиган захарли химикатларга чидамли бўлган қишлоқ хўжалик зараркунандалари кўп тарқала бошлади, химиявий дорилар сарфлаш кўпайди, ўсимликларни ҳимоя қилиш тадбирлари янада мураккаблашиб кетди.

МУТАХАССИСЛАР МАСЛАҲАТ БЕРАДИ

Юз берган аҳвол зараркунандаларга қарши курашнинг бундай тактикаси нотўғри эканлигини, уни қайта кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатди.

Бу йил ана шу системага тўла амал қилиш айниқса, муҳимдир.

Илғор пахтакор хўжаликлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг агротехник, биологик ва химиявий методларини бирбирига тўғри қўшиб олиб бориш ҳамда асосан энтомофаглар — фойдали ҳашаротлар билан қишлоқ хўжалик зараркунандалари ўртасидаги табиий мутаносибликни тиклашга қаратилган прогрессив усулларни жорий этиш кам чиқим билан ғўзани самарали равишда ҳимоя қилишга имкон беради. Бундай усулни қўллаётган хўжаликлар сони йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Масалан, Самарқанд область Оқдарё районидаги «Партия XXII съезди» колхози сўнгги олти йил ичида ўта заҳарли химикатлар ишлатишни бутунлай тўхтатди, химиявий ишлов бериш 3-4 мартадан 0,2 мартага қисқартирилди, ҳосилни ҳимоя қилишга сарфланадиган чиқимлар 70—80 минг сўмдан 0,8—1,0 минг сўмга камайтирилди. Пахта ҳосилдорлигини 1970 йилдаги 22,3 центнердан 1976 йилда 32 центнерга кўтарди. Шу билан бирга тошқи муҳитни булғанишдан сақлаб қолди. Бу хўжалик тажрибасини оммалаштириш учун Оқдарё районида ўсимликларни табақалаштирилган ҳолда ҳимоя қилиш бўйича хўжаликлараро бирлашма тузилди

Бу йил Наманган областидаги 16 колхоз фақат энтомофагларни, биологик дориларни ва танлаб таъсир ўтказадиган дориларни қўлланиш йўли билан ҳосилни ҳимоя қилмоқда. Илғор хўжаликларда қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашнинг муқим шартларидан бири агротехника тадбирлари комплексини сифатли ўтказишдир.

Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши тадбирлар орасида ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик методи афзал кўрилмоқда. Масалан, пахта кўсак қурти билан зарарланганда, кўсак қурти капалаги оммавий равишда тухум қўя бошлаганда унинг тухумини еб битирадиган трихограмма ҳашароти қўлланилмоқда. Бу ҳашарот зарур бўлиб қолганда далаларга иккиуч марта тарқатилади. Кўсак қуртининг ўзини қириб ташлаш учун габробракон ёки дендробациллин деган микробиологик препаратдан фойдаланиляпти.

Ҳозирги вақтда ғўзани энтомофаг — фойдали ҳашаротларни қириб юборадиган гексахлоран, севин билан дорилаш маъқул эмас. Бу дорилар фойдали ҳашаротларни қолдирмай, қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг масалан, ўргимчакананинг тез ривожланиши ва кенг тарқалишига олиб келади. Масалан, айрим хўжаликларда, айниқса, Қашқадарё областида ҳозирги тунламга қарши гексохлоран қўлланилди. Бу эса энтомофагларнинг халок бўлишига олиб келди. Бу хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари, ўсимликларни ҳимоя қилиш хизмати ана шундай пайкаларни алоҳида назорат остига олишлари, бу ерларда ҳосилни ҳимоя қилиш учун биологик методларни кенг қўлланиш тадбирларини ишлаб чиқишлари лозим.

Қишлоқ хўжалик авиациясидан фойдаланиш тракторлардан фойдаланишга нисбатан камроқ самара беришини ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалик авиациясидан экинларни дорилашда алоҳида ҳоллардагина, масалан пайкалларга сув тарелган бўлса ёки катта-катта массивлар ёппасига зарарланган бўлса, ана шундай ҳоллардагина фойдаланмоқ керак.

ОВХ-14, ПГС-2,4 трактор аппаратларини тўғри ишлатиш йўли билан ўсимликларни ҳимоя қилишда кутилган натижага эришиш мумкин. Бу аппаратларни группа методи билан ишлатиш, шу жойнинг ўзида уларнинг жорий ремонтини ташкил қилиш, ҳар бир группага ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича тажрибали мутахассисни ва инженер-механикни биркитиб қўйиш мақсадга муворикдир. Тракторчиларни, ўсимликларни ҳимоя қилиш ишида қатнашаётган бошқа ходимларни махсус кийим, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, улар учун зарур маиший шароитни яратиб бериш, иш вақтида хавфсизлик техникасини таъминлаш талаб қилинади.

Химиявий дорилашни бошлашдан олдин аҳолини, асаларичиларни, балиқчилик хўжалиги раҳбарларини дорилашнинг бошланиши, методлари, қўлланиладиган химиявий воситалар ва карантин муддатлари тўғрисида огоҳлантириб қўйиш керак.

Редактор ўринбосари
Х. ЕДГОРОВ.

Реклама ва эълонлар

Телевидение

БУГУН
МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Эрталабки гимнастика. 9.55 — Ишлар адреслари. 10.40 — Телевизион бадиий фильм. 11.45 — Телевизион ҳужжатли фильм. 12.15 — Симфония. 14.40 — Ҳужжатли фильмлар программаси. 15.50 — «Китоб сенинг ҳаётингда». 16.35 — Телевизион очерк. 17.05 — Бадиий фильм. 18.10 — РСДРП II съезднинг 75 йиллигига. 18.30 — Янгиликлар. 18.40 — Концерт. 19.05 — Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 20.05 — Халқаро олимпия «Спортлото»си. 21.30 — «Вақт». 22.00 — Н. Г. Чернишевский туғилган куннинг 150 йиллигига. 22.40 — Концерт. 23.30 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.00 — ВЛКСМ 60 йиллигига. 18.30 — «Ҳаёт каби тирик». 19.00 — «Тўямўйнингдроузели — зарбдор қурилиш». 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Телевизион ҳужжатли фильм. 19.45 — Ёзувчилар ёзувчилар ҳақида. Н. Сафаров. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Қўшиқ ва рақс. 21.30 — Москва. «Вақт». 22.00 — «КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — ҳаётга!». 22.15 — Бадиий фильм. 23.40 — Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Қариялар (фильм-спектакль). 20.15 — Тошкент янгиликлари. 20.35 — Телефильм. 21.05 — Реклама. 21.20 — Фильм-концерт.

Радио

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбек оммавий қўшиқлари. 9.30 — Композитор И. Икромов қўшиқлари. 10.30 — «Сахий ер». Радиожурнал. 11.15 — «Тошкент» бош автовокзали. 12.00 — «Ўзбекистон ишчиси». 13.00 — Риштон қўёнбоқарлари ҳузурида». 13.30 — Чел эл кинофильмларидан куйлар. 14.00 — Сабзавоткорларнинг долзарб дамлари. 16.10 — Енгил ва жиддий куйлар. 18.30 — «Саломатлик — туман бойлиги». 18.40 — «Ешлик». 19.40 — «Қардош коммунистик партияларда». 19.50 — Чанг тароналари. 20.25 — Татар куйлари. 21.00 — Концерт. 21.30 — Очерк. 22.28 — Музикали программа. 23.20 — Мақом кечаси.

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — Хизматдош ошиқлар қиссаси (11.30, 14.45, 18.00).

Жанлари уйланади — «ЧАПКА» (11.30, 13, 14.30, 16, 17.30, 19, 20.30), «МОСКВА» (12, 14, 16, 17.45, 19.30 21.15).

Муҳаббат — бу ҳаётдир — «ДРУЖБА» (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 20.30). ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (11.15, 13.30, 16, 18.30, 21.00). «ҚОЗОҒИСТОН» (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00).

Сўнгги отишма — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), ЛИСУНОВ номли (тоқ соатларда).

СССР Енгил саноатининг раҳбар ходимлари ва мутахассислари малакасини ошириш Бутуниттифоқ институтининг

ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ

янги техника ва тикувчилик ишлаб чиқариш технологияси бўйича натта ўқитувчи (бой ишлаб чиқариш ва педагогика тажрибасига эга бўлган)

ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КОНКУРС МУДДАТИ — 16 августгача.

Ариза ва ҳужжатлар филиал директори номига қуйидаги адрес бўйича юборилсин: Тошкент шаҳри-70, Баранов кўчаси, 40-уй.

Тошкент пассажир станциясининг

2-ВАГОН ДЕПОСИ ПАССАЖИР ВАГОНЛАРИНИНГ ПРОВОДНИКЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН 2 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Курсларга 7—10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган, 18—35 ёшли йигит ва қизлар поездлар ҳаракати билан боғлиқ ишда ишлаш учун соғлиқлари яроқли бўдсагина қабул қилинадилар.

Қабул қилинганлар темир йўл транспорти ходимлари учун белгиланган имтиёзларнинг ҳаммасидан фойдаланадилар.

КУРСАНТЛАРГА ҲАР ОЙДА 90 СУМГАЧА СТИПЕНДИЯ БЕРИЛАДИ.

Кирувчилар маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, паспорт, ҳарбий билет, меҳнат дафтарчаси, 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосуратни шахсан кўрсатадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Б. Хмельницкий кўчаси, 90-уй (40, 50-автобуслар, 14-троллейбусининг «Сапор» бекати, 31-автобусда «Вагон-депоси» бекатигача борилади).

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги
Ўзбекистон ССР маориф министрлиги

РЕСПУБЛИКА МАҲАЛЛИЙ АҲОЛИСИ ЁШЛАРИДАН МАМЛАКАТИМИЗНИНГ МАРКАЗИЙ ШАҲАРЛАРИДАГИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА

1978–1979 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ МАРКАЗИЙ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА АБИТУРИЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ РЕСПУБЛИКАНИНГ ҚУЙИДАГИ ТАЯНЧ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ЮКЛАТИЛГАН.

ТОШКЕНТ АЛОҚА ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

Москва алоқа электротехника институтига: алоқа корхоналарининг машина ва ускуналари.

Минск радиотехника институтига: радиотехника.

Новосибирск алоқа электротехника институтига: алоқа экономикаси ва уни ташкил этиш.

Севастополь приборсозлик институтига: ахборотларни қайта ишлаш ва узатишни автоматлаштириш ва механизациялаштириш.

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

Москва ўрмон-техника институтига: ўрмон саноати ва ўрмон хўжалиги экономикаси ва уни ташкил этиш. ўрмон ва ёғочни қайта ишлаш саноати машиналари ва механизмлари.

Ленинград ўрмон-техника академиясига: ўрмон инженерлик ишлари ёғочнинг химиявий технологияси; целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқаришнинг химиявий технологияси; ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати экономикаси ва уни ташкил этиш.

Украина қишлоқ хўжалик академиясига: қишлоқ хўжалиги.

Воронеж ўрмон-техника институтига: ўрмон ва ёғочни қайта ишлаш саноати машиналари ва механизмлари; ўрмон инженерлик ишлари; ўрмон саноати ва ўрмон хўжалиги экономикаси ва уни ташкил этиш.

ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

Москва нефть химияси ва газ саноати институтига: газ-нефть қувурлари, газ омборлари ва нефть базаларини лойиҳалаштириш ва уларни эксплуатация қилиш; нефть қувурлари, газ омборлари ва нефть базаларининг иншоотлари.

Н. Э. Бауман номли Москва олий техника билим юртига: ички ёниш двигателлари.

Москва пўлат ва қотишмалар институтига: фойдали қазилмаларни бойитиш; қора металлар металлургияси; қора ва рангли металларни қуюб ишлаб чиқариш; металлшунослик; металларни термик ишлаш ускуналари ва технологияси; металларни босим йўли билан ишлаш.

Москва энергетика институтига: электр аппаратлари.

Москва химия-технология институтига: электрохимия ишлаб чиқариш технологияси.

Ленинград кино инженерлари институтига: кино аппаратуралари, овоз техникаси; кино-фото материалларнинг химиявий технологияси.

Ленинград кон институтига: кон ишлари; кон саноати экономикаси ва уни ташкил этиш.

Ленинград политехника институтига: машиналар ҳамда металларни босим йўли билан ишлаш.

Ленинград аниқ механика ва оптика институтига: аниқ механика приборлари.

Ленинград инженерлик-экономика институтига: химия саноати экономикаси ва уни ташкил этиш.

Ленсовет номидаги Ленинград технология институтига: лак-бўёқли қопламаларнинг химиявий технологияси.

Киев политехника институтига: машиналар ҳамда металларни босим йўли билан ишлаш технологияси; машиналар ҳамда полимер материалларни буюмлар ва деталларга айлантириш технологияси; ахборот-ўлчов техникаси; электр шоҳобчалари киберетикаси; целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқаришнинг машиналари ва аппаратлари.

Киев озиқ-овқат саноати технология институтига: нон ёпиш, макарон ва кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси; қанд моддалари технологияси.

Уфа авиация институтига: машинасозликни автоматлаштириш ва комплекс механизациялаштириш.

Жданов металлургия институтига: металлшунослик; металларни термик ишлаш ускуналари ва технологияси; металларни босим йўли билан ишлаш; металлургия ва пайвандлаш ишлаб чиқариш технологияси.

Владимир политехника институтига: шиша ва металларнинг химиявий технологияси.

Куйбишев политехника институтига: ахборот-ўлчов техникаси.

Қозон химия-технология институтига: электрохимия ишлаб чиқариш технологияси.

Рязань радиотехника институтига: ахборот-ўлчов техникаси.

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

Москва полиграфия институтига: полиграфия саноати экономикаси ва уни ташкил этиш.

Бутуниттифоқ Давлат кинематография институтига: кинематография экономикаси.

Ленинград инженерлик-экономика институтига: энергетика экономикаси ва уни ташкил этиш; шаҳар хўжалиги экономикаси ва уни ташкил этиш.

Киев халқ хўжалик институтига: меҳнат экономикаси.

Украина полиграфия институтига: полиграфия саноати экономикаси ва уни ташкил этиш.

Харьков коммунал-қурилиш инженерлари институтига: шаҳар хўжалиги экономикаси ва уни ташкил этиш.

Львов политехника институтига: қурилиш материаллари саноати экономикаси ва уни ташкил этиш.

Волгоград инженерлик-қурилиш институтига: қурилиш экономикаси ва уни ташкил этиш; шаҳар хўжалиги экономикаси ва уни ташкил этиш.

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

Москва полиграфия институтига: полиграфия машиналари; китобшунослик ва китоб савдосини ташкил этиш.

Москва Бошқарув институтига: қурилишда бошқарувни ташкил этиш.

Москва энергетика институтига: иссиқлик физикаси.

Москва пўлат ва қотишмалар институтига: металлар физикаси.

Украина полиграфия институтига: полиграфия машиналари.

Уфа нефть институтига: нефть ва газ конлари машиналари ва ускуналари.

Днепропетровск инженерлик-қурилиш институтига: қурилишни автоматлаштириш ва комплекс механизациялаштириш.

Киев инженерлик-қурилиш институтига: қурилишни автоматлаштириш ва комплекс механизациялаштириш.

Қозон химия-технология институтига: нефть ва газни қайта ишлашнинг химиявий технологияси.

Фрунзе политехника институтига: консервалаш технологияси; сут ва сут маҳсулотлари технологияси.

НУКУС ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Москва геодезия, аэрофотосъёмка, картография инженерлари институтига: картография.

Ленинград инженерлик-қурилиш институтига: табиий ва оқар сувларни тозалаш.

Харьков коммунал-қурилиш инженерлари институтига: табиий ва оқар сувларни тозалаш.

Киев савдо-иқтисод институтига: товаршунослик ва савдони ташкил этиш; товаршунослик ва озиқ-овқат моллари савдосини ташкил этиш.

Астрахань балиқ саноати ва хўжалиги техника институтига: саноат йўли билан балиқ овлаш; ихтиология ва балиқшунослик.

Таганрог Давлат педагогика институтига: рус тили ва адабиёти.

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ

Н. Э. Бауман номли Москва олий техника билим юртига: юк кўтариш-транспорт машиналари ва ускуналари.

Киев политехника институтига: гидропневматика ва гидропривод.

Харьков политехника институтига: юк кўтариш-транспорт машиналари ва ускуналари.

Брянск транспорт машинасозлиги институтига: юк кўтариш-транспорт машиналари ва ускуналари.

Харьков коммунал-қурилиш инженерлари институтига: шаҳар электр транспорти.

Владимир политехника институтига: ички ёниш двигателлари.

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

Москва енгил саноат технологияси институтига: чарм ва мўйна технологияси; полимер плёнкаси материаллари ва сунъий чарм технологияси.

Москва химия-технология институтига: органик бўёқлар ва оралиқ маҳсулотларнинг химиявий технологияси, пластик массаларнинг химиявий технологияси.

Ленинград тўқимачилик ва енгил саноат институтига: нотўқима тўқимачилик материалларини ишлаб чиқариш.

Киев енгил саноат технологияси институтига: чарм буюмларни конструкциялаш.

Қозон химия-технология институтига: пластик массаларнинг химиявий технологияси.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Москва нефть-химияси ва газ саноати институтига: радиацион химия.

Москва Давлат университетига: математика; механика; астрономия; физика; генетика; микробиология.

Ленинград Давлат университетига: сиёсий иқтисод, журналистика.

Москва ингичка химия технологияси институтига: махсус электрон техника материаллари технологияси; нодир ва сочма элементларнинг химиявий технологияси; биологик актив бирикмаларнинг химиявий технологияси.

Киев Давлат университетига: илмий коммунизм; амалий математика; радиофизика ва электроника.

Минск радиотехника институтига: ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар.

Рязань радиотехника институтига: ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар; электрон приборлар.

Қозон Давлат университетига: илмий коммунизм.

УЗБЕКИСТОН ССР КИНЕМАТОГРАФИЯ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

Бутуниттифоқ Давлат кинематография институтига: кинооператорлик, тасвирий санъат.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

Москва Давлат маданият институтига: кутубхонашунослик ва библиография.

УЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИ

Москва олий бадиий-саноат билим юртига: декоратив-амалий санъат; интерьер ва ускуналар.

Ленинград олий бадиий-саноат билим юртига: декоратив-амалий санъат; интерьер ва ускуналар.

П. И. Чайковский номли Москва Давлат консерваториясига: фортепьяно; оркестр асбоблари; хор дирижёрлиги; музикашунослик.

В. И. Суриков номли Москва Давлат рассомчилик институтига: тасвирий санъат.

Гнесин номли Москва Давлат музика-педагогика институтига: фортепьяно.

Москва Давлат маданият институтига: маданий-оқартув ишлари.

И. Е. Репин номли Ленинград тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик ва архитектура институтига: тасвирий санъат.

Римский-Корсаков номли Ленинград Давлат консерваториясига: опера-симфония дирижёрлиги; ашула.

Киев Давлат рассомчилик институтига: тасвирий санъат.

АНДИЖОН МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ

2-Москва медицина институтига: биофизика; биохимия.

Волгоград медицина институтига: стоматология.

Днепропетровск медицина институтига: стоматология.

САМАРҚАНД МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ

Доғистон медицина институтига: стоматология.

Полтава медицина институтига: стоматология.

ТОШКЕНТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ

Қозон медицина институтига: стоматология.

АНДИЖОН ПАХТАЧИЛИК ИНСТИТУТИ

Фрунзе политехника институтига: консервалаш технологияси; гўшт ва гўшт маҳсулотлари технологияси; сут ва сут маҳсулотлари технологияси.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Қизил Ўрда Давлат педагогика институтига: СССР халқлари она тили ва адабиёти.

Қозоғистон Давлат педагогика институтига: СССР халқлари она тили ва адабиёти; математика; физика; география; тарих; чизмачилик; расм ва меҳнат.

Чимкент Давлат педагогика институтига: СССР халқлари она тили ва адабиёти; математика; физика; педагогика ва бошланғич таълим методикаси.

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Душанба Давлат педагогика институтига: СССР халқлари она тили ва адабиёти; математика; биология; география; тарих; педагогика ва бошланғич таълим методикаси.

Леннинобод Давлат педагогика институтига: математика; физика.

Кировоград Давлат педагогика институтига: рус тили ва адабиёти.

БУХОРО ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Туркманистон Давлат педагогика институтига: математика; физика; биология; география; тарих.

Ворошиловград Давлат педагогика институтига: рус тили ва адабиёти.

Белгород Давлат педагогика институтига: рус тили ва адабиёти.

АНДИЖОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Қирғизистон хотин-қизлар педагогика институтига: математика, педагогика ва бошланғич таълим методикаси; химия.

Херсон Давлат педагогика институтига: рус тили ва адабиёти.

РЕСПУБЛИКА РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Москва Давлат педагогика институтига: рус тили ва адабиёти.

Иваново Давлат университетига: рус тили ва адабиёти.

Курск Давлат педагогика институтига: рус тили ва адабиёти.

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Саратов Давлат педагогика институтига: рус тили ва адабиёти.

НАМАНГАН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Ставрополь Давлат педагогика институтига: рус тили ва адабиёти.

ХОРАЗМ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Каменец-Подольск Давлат педагогика институтига: рус тили ва адабиёти.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(Ангрен шаҳри)

Николаев Давлат педагогика институтига: рус тили ва адабиёти.

ФАРҒОНА ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Харьков Давлат педагогика институтига: рус тили ва адабиёти.

СИРДАРЁ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Таганрог Давлат педагогика институтига: рус тили ва адабиёти.

Белгород Давлат педагогика институтига: рус тили ва адабиёти.

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Белгород Давлат педагогика институтига: рус тили ва адабиёти.

ҚАРШИ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Белгород Давлат педагогика институтига: рус тили ва адабиёти.

Мамлакатнинг марказий олий ўқув юртларига ва кооперациялашган қабул бўйича кириш имтиҳонлари шу юқорида кўрсатилган олий ўқув юртларида 1—20 август кунлари ўтказилади.

Санъат, журналистика ихтисослари бўйича конкурсдан ташқари қабул тариқасида олий ўқув юртига кирувчилар ўқитишга юборилган олий ўқув юртларида барча фанлардан кириш имтиҳонлари топширадилар. Санъат ва журналистика ихтисослари бўйича кириш имтиҳонлари ва ижодий конкурс ана шу олий ўқув юртлари учун белгиланган муддатларда ўтказилади.

Марказий олий ўқув юртларига юбориш учун номзодлар 1978—79 ўқув йилига белгиланган олий ўқув юртларига қабул қоидаларига тўла мувофиқ равишда, барча фанлардан яхши ва аъло баҳолар билан кириш имтиҳонларини топширганлар ва мазкур олий ўқув юртларида ўқиш истагини билдирганлар ичидан танлаб олинади.

Бунда амалий иш тажрибасига эга бўлган, шунингдек СССР Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилиб запасга чиқарилган шахслар тегишли имтиёзлардан фойдаланадилар.

Марказий олий ўқув юртига ва кооперациялашган тартибда иттифоқчи республикаларо олий ўқув юртларида кооперациялашган тартибда тайёрланадиган мутахассисликларга кирувчилар тегишли таянч олий ўқув юрти ректори номига 2 та ариза берадилар ва унга ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжатни (асли), 286-формадаги медицина справкасини, 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосуратни, меҳнат стажи бўлса корхона ёки муассаса раҳбарлари томонидан тасдиқланган меҳнат дафтарчасидан кўчирма ҳамда олий ўқув юртига кириш учун характеристика илова қиладилар.

Марказий олий ўқув юртларига қабул қилинган абитуриентлар ётоқ ва стипендия билан таъминланадилар, ўқиш тамом бўлгандан кейин эса олган ихтисослари бўйича Ўзбекистон ССРга ишга юборилади.

Мамлакат марказий олий ўқув юртларига ва кооперациялашган тарзда қабул бўйича олий ўқув юртларига кириш конкурсидан ўтолмай қолганлар тегишли таянч олий ўқув юртига кириш конкурси ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Юқорида кўрсатилган олий ўқув юртларига юбориладиган шахслар республика олий ўқув юртларининг тажрибали педагоглари раҳбарлигида ва тегишли министрликларнинг (идораларнинг) йўлланмалари билан ташкилий равишда жўнаб кетадилар.

ТОШКЕНТ МАДАНИЙ-ОҚАРТУВ ТЕХНИКУМИ
1978—1979 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникумнинг кундузги бўлимида тўлиқ ўрта маълумотга эга бўлганлардан духовой ҳаваскор коллективларининг раҳбарлари, хор, музика, клуб, оммавий ишлар режиссёрлари, театр, хореография ҳаваскор коллективларининг раҳбарлари мутахассисликлари бўйича клуб ходимлари (ўзбек группаларида ўқиш муддати 2 йилу 4 ой), маданий-оқартув ишларида техника воситаларидан фойдаланиш методикаси бўйича мутахассислар (рус ва ўзбек группаларида 2 йилу 4 ой), тўлиқсиз ўрта маълумотлилар учун рассом-безатувчилар (ўзбек группасида ўқиш муддати 3 йилу 10 ой), кутубхоначилар (ўзбек ва рус группаларида ўрта маълумотлилар учун ўқиш муддати 1 йилу 10 ой; тўлиқсиз ўрта маълумотлилар учун 3 йил) тайёрланади.

Техникумнинг сиртқи бўлимида ўрта маълумотга эга бўлганлардан маданий-оқартув ишларида техника воситаларидан фойдаланиш методикаси бўйича мутахассислар ва клуб тадбирлари-режиссёрлари тайёрланади (ўқиш муддати 3 йил); кутубхоначилар (ўзбек ва рус группаларида ўқиш муддати 2 йил) тайёрланади.

ҲУЖЖАТЛАР ТЎЛИҚСИЗ ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАРДАН 1 АВГУСТГАЧА, ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАРДАН 14 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Қабул имтиҳонлари кундузги бўлимда 1 августдан 20 августгача; сиртқи бўлимда 10 августдан 20 августгача ўтказилади.

Имтиҳонлар: ўрта маълумотлилар учун кутубхонашунослик бўлимида: она тили ва адабиётдан (иншо), СССР тарихидан (оғзаки), клуб бўлимида: мутахассисликдан, она тили ва адабиётдан (иншо), СССР тарихидан (оғзаки).

Тўлиқсиз ўрта маълумотлилар учун — кутубхонашунослик бўлимида: она тили ва адабиётдан (иншо), она тили ва адабиётдан (оғзаки) клуб бўлимида. мутахассисликдан, она тилидан (диктант), она тили ва адабиётдан (оғзаки).

ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛАР ЕТОҚХОНА ВА СТИПЕНДИЯ БИЛАН УМУМИЙ АСОСДА ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Техникум адреси: Тошкент шаҳри — 95, Студентлар шаҳарчаси, Чимбой кўчаси, 97-уй. Тошкент маданий-оқартув техникуми (10, 34, 88, 100-автобусларнинг «Райҳон», 28, 33, 76-автобусларнинг «Маданий-оқартув техникуми» бекатлари).

СССР Газ саноати министрлиги
А. К. КОРТУНОВ НОМИДАГИ БУХОРО ГАЗ САНОАТИ ТЕХНИКУМИ
1978—1979 ўқув йилига
КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ ЎҚИШГА
Қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА: нефть ва газ қудуқларини пармалаш, нефть ва газ қудуқларидан фойдаланиш, турбинасозлик, ичдан ёниш двигателлари.

СИРТҚИ БЎЛИМГА: нефть ва газ қудуқларини пармалаш, ичдан ёниш двигателлари.

ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР УЧУН КУНДУЗГИ БЎЛИМДА ЎҚИШ МУДДАТИ — 2 ЙИЛУ 6 ОЙ, СИРТҚИ БЎЛИМДА — 2 ЙИЛУ 7 ОЙ 8-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАР УЧУН ЎҚИШ МУДДАТИ — 3 ЙИЛУ 6 ОЙ.

Кундузги бўлимга ўқиш учун 30 ёшгача бўлган ёшлар қабул қилинади. Сиртқи бўлимга кирувчиларнинг ёши чегараланмайди.

Техникумга кирувчилар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳони топширадилар: ўрта маълумотга эга бўлганлар — математика (оғзаки), ўзбек адабиётидан (иншо); тўлиқсиз ўрта маълумотга эга бўлганлар — математика (оғзаки), ўзбек тилидан (диктант).

Ўқишга кирувчилар директор номига ариза билан қабул қилиш комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: ўрта ёки тўлиқсиз ўрта мактабни битиргандиги ҳақидаги ҳужжатнинг асли, медицина справкаси (286-форма), 3х4 см, ҳажмидаги 4 та сурат (бош кийимсиз), меҳнат дафтарчасидан кўчирма (2 йил иш стажига эга бўлганлар учун).

Техникумга кириш учун ҳужжатлар кундузги бўлимга 8-синф ҳажмида маълумотлилардан 31 июлгача, 10-синф ҳажмида маълумотлилардан 14 августгача; сиртқи бўлимга 10 августгача қабул қилинади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 1 АВГУСТДАН 21 АВГУСТГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

ТЕХНИКУМГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛАР УМУМИЙ ҚОИДАГА МУВОФИҚ ЕТОҚХОНА ВА СТИПЕНДИЯ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Техникум адреси: Бухоро шаҳри, Киров кўчаси, 103-уй. Телефон: 3-57-15, 3-57-90 (6-автобуснинг «Медицина билим юрти» бекати).

Р 02539. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Д. — 164.